Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг газетаси

16 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА № 244 (495). 1992 йил

Сотувда эркин нархда.

МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗ—ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИКНИНГ ОЛҚИШИГА САЗОВОР БЎЛМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ МИСРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Миср Араб Республикаси Президенти Ҳусний Муборакнинг таклифига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 декабрь куни Қоҳирага жўнаб кетди.

Тошкент тайёрагоҳида Ислом Каримовни Олий Кенгаш Раиси Шавкат Йўлдошев, Бош вазир Абдулҳошим Муталов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар. (ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XI сессиясида мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинишини республика аҳолиси зўр кўтаринкилик, шоду хуррамлик билан кутиб олди. Вилоятлардаги барча туман, шаҳарлар, қишлоқ ва маҳаллаларда ана шу тарихий воқеага бағишланган кўп минг кишилик йиғинлар бўлиб ўтаяпти.

*

Фарғона мебель фабрикасининг ишчилари тушлик пайтида корхона ҳовлисига тўпландилар. Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинишига бағишланган кўп минг кишилик митингни корхона директорининг ўринбосари Қодиржон Марайимов очди. Тантанали митингда сўзга чиққан ишчи Валентина Ҳакимова, бош муҳандис ўринбосари Ҳақиқатхон Дадабоева, фабрика бўлим бошлиғи Расулжон Раимжоновлар сессия ишини зўр қизиқиш билан кузатиб турганликларини, дунёдаги энг илғор, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси асосида янги Қомус ишлаб чиқилганлигини бутун халқимиз орзиқиб кутганлигини алоҳида таъкидладилар. Мебелчилар юртбошимиз Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни, иқтисодий ислоҳотни якдиллик билан қўллаб-қувватлашларини билдириб, бунга жавобан маҳсулот ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилашга ваъда бердилар.

С. НАБИЕВ.

Бош Қонунимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида қабул қилингани ҳақидаги хушхабарни ўзбек халқи зўр мамнуният билан кутиб олди. Чунки бу Конституциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон мустақиллигининг тамал тоши бўлди, десак, янглишмаймиз. «Давлат суверенитети» бобининг 1-моддасида: «Ўзбекистон — суверен демократик республика....» деб кўрсатилиши эса бунинг исботидир.

Демократик республикамизнинг Бош Қонуни умумхалқ муҳокамасига ташланганда унинг янада мукаммал, янада халқчил бўлишини истаганлар ҳам меҳнаткаш халқимиз эди. Муҳокамада хорижлик ҳуқуқшуносларнинг иштирок этиши Ватанимизнинг илк қадамларини жаҳон халқлари ҳам хайрихоҳлик билан кузатиб бораётганлигидан далолат беради. Хуллас, Ўзбекистонимиз ўзининг дастлабки қадамларидаёқ улкан ютуқни қўлга киритди. Ютуғинг муборак, она-юрт!

Р. БУРҲОНОВ,

Пахтакор районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли давлат хўжалиги касаба уюшмаси раиси.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Давлат байроғи, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш, ёшлар сиёсатининг асослари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, монополияни чеклаш тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Борис Бугров сўзга чиқди.

(ЎзА).

НИЛ СОҲИЛИДАГИ ЎЛКА

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ САФАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Инсоннят ўзининг «тариҳсиз» даврини, яъни тарихга маълум бўлмаган замонларни ривоятлар ёрдамида тасаввур этади ва бу тасаввурлар уни нафақат тарих, балки илоҳиёт билан ҳам боғлаб туради.

Шу маънода Миср фиръавнлар ҳукмронлик қилган даврлар тарихи мўътабар китобларда қайта-қайта қаламга олинади. Етти иқлимда инсоннят яратган етти мўъжизанинг бири сифатида довруғ таратган эҳромлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шуниси эътиборлики, Миср ҳамиша нафақат сайёҳларни, балки дунёни зир титратган фотиҳларни ҳам ўзига жалб этиб келган ўлкадир. Шунинг учун ҳам фотиҳ зоти борки, Мисрга қўшин тортиб боравергan. Оқибатда қизиқ бир одат пайдо бўлган: ўзининг тарихи ва маданияти бошқаларникидан кўра қадимийроқ эканини исботлашга уринган халқ борки, Мисрга тарихдошлик даъво қилади.

Тарихда жуда кўп босқинларни бошидан кечирган бу дилбар ўлка жуғрофий ўрнига кўра, Африка қитъасининг Шимоли-Шарқида жойлашган бўлиб, Осиё қитъасидаги Синай ярим ороли ҳам унинг тасарруфига киради. Ҳудуди нисбатан катта (1001,4 минг квадрат километр) бўлишига қарамасдан, унинг 96 фоизи саҳролардан иборат. Аҳоли, асосан, Нил дарёси бўйларидаги воҳаларда истиқомат қилади. Мамлакат аҳолисининг тиғиз яшаши ҳам ўша ҳудуднинг аксарият қисмини саҳролар эгаллаб ётгани билан боғлиқдир. Ва мана шу тиғиз яшаш миллий иқтисодиётнинг қўшни Араб давлатларидагидан тубдан фарқ қилиши сабабларидан бири, дейиш мумкин.

Мамлакатда Монархия тугатилиб, Республика эълон қилингач, 1956 йили умумсўров (референдум) йўли билан биринчи Президент сайланди. Жамол Абдул Носир илк Президент сифатида жиддий иқтисодий ислоҳотлар ўтказа бошлади. Натижада, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослашган мамлакатга бозор иқтисодиёти муносабатлари билан бирга чет эл сармоялари ҳам кириб кела бошлади. Президент Муҳаммад Ҳусний Муборак ҳам очиқ эшиклар сиёсатини юргизаётгани туфайли Миср Араб Республикасида сиёсатда ҳурфикрлилик, демократик эркинликни, иқтисодиётда эса бозор муносабатларини, хусусан, хусусий секторни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

МАР Президенти М. Ҳ. Муборак олиб бораётган сиёсат бугун мамлакат ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам ўзаро яраш ва мўътадилликни назарда тутади. Бу яраш нафақат азал-азалдан ер ва чегара талашиб урушиб келган Миср ва Исроил ўртасидаги сулҳни, балки кейинги пайтларда Араб давлатлари ўртасида вужудга келган айрим қарама-қаршиликларни ҳам бартараф этишни кўзлайди. Қўшилмаслик ҳаракатига аъзо мамлакат раҳбарияти учун қардош Араб давлатларининг ўзаро тинчтотувлигини таъминлаш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолмоқда. Бу бир жиҳатдан унинг жуғрофий ўрни билан ҳам боғлиқ. Осиё ва Африкани боғлаб турувчи бу давлат Африка ва Осиё қитъаларидаги Араб мамлакатларини ҳам ўзаро боғлаб туради. Ироқ қўшинлари Қувайтга бостириб кирган вақтда араб дунёси бирдамлигига жиддий путур етган эди. М. Ҳ. Муборак бирдамликни қайта тиклаш учун озмунча ҳаракат қилдими? Араб давлатлари бирдамлиги бир қарашда ягона пойдевордай туюладиган эътиқод бирлигигагина асосланмаган. Бу бирдамликнинг уч илдизи бор: сиёсий, иқтисодий ҳамкорлик ва умумий мудофаа қобилияти.

Миср Президенти миллий лойиҳасининг ички сиёсат бобидаги асосини кўппартиялилик ташкил этса-да, амалда бу тамойил биз боя эслаб ўтган яраш-га асосланди. Мамлакат аҳоли сони иқтисодий кўрсаткичларга нисбатан тезроқ ўсаётган бир шароитда иқтисодиётни ривожлантириш учун зарур бўлган сиёсий барқарорликни таъминлаб туради.

Инсоннят маданияти ва тарихининг бешиги бўлган бу дилбар мамлакатда беҳисоб кенгликларни ҳам, Осиёдаги яроқли ерлар тақчиллиги ва боис саноати тараққий этган мамлакатларга хос тиғизликни ҳам, европача ҳаёт тарзидан тортиб, ўрта асрлардан бери давом этиб келаётган сўфийликни ҳам — барчабарчасини кўриш мумкин. Уларни бирлаштириб турадиган бир ҳол бор. У ҳам бўлса, мамлакат раҳбариятининг яраш ва мўътадиллик сиёсатидир. Ушбу сиёсат туфайли Сувайш канали тўла Миср тасарруфига ўтди. Синай ярим ороли Исроилдан қайтариб олинди.

Энди Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги муносабатлар масаласига келсак, бу мамлакат иқлим жиҳатидан ҳам, мамлакат иқтисодиётининг, асосан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан пахта етиштиришга ихтисослашгани, қолаверса, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тажрибалари билан ҳам республикамизга жуда қулай ҳамкор бўлиши турган гап. Бундан ташқари, Миср саноати етиштираётган маҳсулотлар Ғарбий Европа мамлакатлари бозорига дадил кириб бормоқда. Бу, шак-шубҳасиз, мамлакат, миллий иқтисодиётининг шоҳтомири бўлган хусусий мулкни рағбатлантиришга оид ҳукумат тадбирларининг мевасидир.

Келгусида Ўзбекистонда иқтисодиётнинг миллий шаклини яратиш учун Миср тажрибаси, албатта, асқотади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг бу дилбар ўлкага бошланган расмий сафаридан улкан натижалар кутиш мумкин.

Фахриддин НИЗОМ,
ЎзА мухбири.

БАХТИМИЗ ҚОМУСИДАН РУҲЛАНИБ

Пойтахтимизнинг 2-туғруқхонаси ходимлари мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк Конституциясига бағишлаб катта йиғилиш ўтказдилар. Унда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазири муовини, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг бошлиғи, Ўзбекистон халқ депутати Қулаҳмат Ризаев сўзга чиқиб, бахту келажагимиз кафолати бўлмиш Ўзбекистон Конституцияси ҳақида мукаммал сўзлаб берди.

Сўзга чиққан нотиқлар Президентимиз И. А. Каримов олиб бораётган сиёсатни қўллаб-қувватлашларини, бу йўл халқ хоҳиш-иродасига уйғун эканлигини таъкидладилар.

— Биз, шифокорларга ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлаш йўлида жиддий масъулият билан хизмат қилишимиз даркор, — деди туғруқхона бош врачи Н. Иброҳимова. Бу мустақил давлатимиз равнақи учун бизнинг муҳим ҳиссамиз бўлади.

Л. ҚУЧҚОРОВА.

* * *

СУРАТДА: йиғилишдан лавҳалар.

Д. АҲМАД олган суратлар.

• «Халқ сўзи»ни ўз уйингизда

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

Мелодий 1992 йилнинг ҳар бир куни ғанимат бўлиб қолди. Остона орқасидан янги йилнинг шарпаси шундоққина сезилиб турибди.

Қадрдон йилимиз, эҳ-ҳе, мустақил республикамизнинг далил одимлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳар биримизнинг ҳаётимизга озмунча қувончлар ҳадя этдими! Ният қиламизки, тинчлигу хотиржамлик бўлса, албатта, ечилажак муаммоларимиз янги йилда ҳал бўлғай, меҳнатимиз қутбаракали, юзимиз ёруғ, қадр-қимматимиз юксак... ва, энг муҳими, бир-биримизни англаб, дўсту аҳиллигимизни кўз ўзра кўйиб яшайлик.

Азиз муштарий, «Халқ сўзи» жамоаси ҳам, мана, икки йилдан буён газетамизнинг яқин дўсти, жонкуяри, сирдошу дарддошига айланган қадрдонларининг ҳамма-ҳаммасига дил ришталари ила боғланганки, улардан биронтасиям узилишини хоҳламайди. Аммо... бозор иқтисодиёти билан боғлиқ равишда обуна пайтида сезиб турдик, кимлар жуда истаса-да, газетамизга ёзилишга моддий имкон тополмади. Яна кимлардир бугун-эртага деб вақтни ўтказиб қўйди...

Шуларни ҳисобга олиб, «Ўзбекистон почтаси» концерни билан «Халқ сўзи» таҳририяти ҳамкорликда янги йилдан бир ташаббус бошлашга келишиб олди. Яъни, жойлардаги почта элтувчиларга обуначилар учун ажратилгандан ташқари бир нечтадан ортиқча «Халқ сўзи» етказиб берилади. Бу газеталарни обуна бўлишга улгурмаганлар ўз уйларида ўтириб чакана нархда сотиб олишлари мумкин. Бу тажриба дастлаб Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида синаб кўрилади. Агар элга маъқул келиб, газетамизга ҳожатмандлар кўп бўлса, бу тадбир бошқа вилоятларда ҳам давом этади. Дарвоқе, мазкур тажрибадан бехабар қолиб, почтальонларни обунанинг газетасини бошқага пуллашда айблаб юрманг.

Ҳозир «Ўзбекистон почтаси» концернининг махсус вакиллари ва «Халқ сўзи»нинг жойлардаги мухбирлари газетага обуна бўлмаган, аммо хонадонларида ўтириб, тайёргина келтириб берилган «Халқ сўзи»ни сотиб олишга талабгорлар қанчалигини ўрганмоқдалар.

Азизлар, бу режа Сизга маъқулми?

Фикр-мулоҳаза, талабларингизни таҳririятга ёзиб юборинг.

«ХАЛҚ СЎЗИ»

ДАВЛАТНИ АЛДАГАН ҲОКИМ

(ФЕЛЬЕТОН)

Утган ойда Тошлоқ район кенгаши депутатлари бирин-кетин уч сессияни «бошларидан кечиришди». Шулардан бири — 28 ноябрда бўлиб ўтган сессияда ҳокимнинг ҳисоботи тинглади. Кун тартибидаги масала кўриб бўлингандан сўнг фавқулодда қарор қабул қилинди. Уни шундоқлигича ҳавола қилмоқдамиз (Қарор бир овоздан маъқулланган):

«1. Сўзга чиққан депутатларнинг таклифига биноан собиқ ҳоким Қ. Сотиболдиевнинг фаолияти қониқарсиз, деб топилсин.

2. Тошлоқ пахта тозалаш заводи, Варзак қишлоқ кенгаши, район маркази шифохонаси фаолларининг йиғилишлари ҳамда сессияда сўзга чиққан депутатлар: Ю. Исроилов, А. Аҳмадалиев, В. Мадаминовларнинг таклифлари инобатга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидан Қ. Сотиболдиевни республика халқ депутатлигидан чақириб олиш, район кенгашидан эса район депутатлигидан чақириб олиш сўралсин».

Нега энди (собиқ) ҳоким бу куйга тушди? Яхшиси, бўлган воқеани бир бошдан гапириб берайлик.

Октябрь ойида Ўзбекистон Президенти фармонларининг бажарилишини таъминламаганлиги учун Фарғона вилоят давлат назорати бошқармаси Тошлоқ район ҳокими Қаҳрамон Сотиболдиевни вазифасида қолишқолмаслигини кўриб чиқишни сўраб, қарор қабул қилган ва вилоят ҳокимлигига йўллаганди. Нега? Бу ҳам бир тарих.

Шу йилнинг 29 август куни Тошлоқ пахта тозалаш корхонасидан 200 тонна тола ортган вагонлар Финляндияга қараб йўл олади. Юклар ҳужжатларда райондаги «Навбаҳор» жамоа хўжалигининг «5 фоизли» ва «пландан ортиқ пахта толаси», деб қайд этилганди. Аслида-чи? Аслида ушбу толага оид ҳужжатлар Қ. Сотиболдиевнинг ҳаракатлари туфайли пайдо бўлганди. Ҳоким дастлаб пахта тозалаш заводи раҳбариятидан корхонада «Навбаҳор» жамоа хўжалигининг «5 фоизли» ва пландан ортиқча бўлган пахтадан чиққан 1000 тонна толаси сақланаяпти», деган сохта ҳужжат тайёрлатган. Вазирлар маҳкамасидан шу маҳсулотни хорижга, чиқариб сотишга рухсатнома олишга муваффақ бўлган (Тушган маблағ эвазига «Тошлоқда Акбаробод мебель фабрикаси қуриш» учун). Ҳолбуки, ўша пайтда «Навбаҳор»да пландан ортиқча бор-йўғи 14 тонна тола бўлган, холос. Рухсат теккач, завод директори Р. Турғунов ва тайёр маҳсулот бўлими бошлиғи Т. Воҳидовни икки-уч марта кабинетига чорлаб, уларни толаларни вагонларга юклатиб, Финляндияга жўнатишга мажбурлаган. Шуниси диққатга сазоворки, уни сув текинга — ҳар тоннасини 10 минг 220 сўмдан олишган. (Ўша кунлари бир тонна тола эркин нархда 120—130 минг сўм эди). Хорижга эса ҳар тоннасини 1133 доллардан пуллашган! Ана сизга чайқовчилик!

Бу воқеадан хабар топишган пахтани қайта ишлаш вилоят бирлашмасидагилар Тошлоқ пахта тозалаш корхонасини текшира бошлаган. Дастлаб корхона тайёр маҳсулотлар бўлими бошлиғи Т. Воҳидов вазифасидан озод қилинган. Қ. Сотиболдиевнинг олдига кириб, «Сизнинг ноқонуний кўрсатмангизни бажарганим учун мени ишдан олишди» деб айтганида, ҳоким изларни бостириш учун «Навбаҳор» колхози раиси Н. Умаровга тазйиқ ўтказиб, давлат буюртмаси ҳисобидан сотиб юборилган ўша 200 тонна толани 1992 йилнинг ҳисобидан колхозга режанинг 15 фоизи ҳисобига қоладиган миқдоридан қоплаш ҳақида ишонч хати ёздириб олган. Натижада яна битта сохта ҳужжат яратилган.

Қизиғи, ноқонуний йўллар билан юборилган пахта толасидан районга ҳеч қандай наф йўқлиги бу операция қайси мақсадда бажарилгани изоҳласа керак.

Шунча қийғир ишлар қилган Қ. Сотиболдиевнинг вилоят давлат назорати бошқармасида ўтказилган муҳокамада ўзини қандай тутганлигини кўрсангиз эди! Яхшиси, ўша мажлис стенограммасини шундайлигича эътиборингизга ҳавола қилсак:

«Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари **Насимбек РАҲИМОВ**: Ўзингиз юрист бўла туриб нега давлат қонунларини буздингиз?

Қаҳрамон СОТИБОЛДИЕВ: Ҳозирги даврда республикада қонунлар Конституция билан мустаҳкамланган эмас. Хўжалик юритишда биз бугун авваллан қолган анъаналарга кўра иш олиб бораяпмиз. Республикада ҳуқуқий давлат қуриш асослари ҳали солинмагани йўқ. Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари қонуний кучга эга эмас. Шу сабабли хўжаликлар билан давлат ўртасидаги муносабатлар қонуний йўл билан тартибга солинмаган. Шунинг учун толани ўзим жўнатиб юбордим.

Н. РАҲИМОВ: Тўғри биз мустақилмиз. Лекин халқ сайлаган Президентимиз қарорлари биз учун қонун. Сиз нимага уларни буздингиз?

Қ. СОТИБОЛДИЕВ: Мен, аввало, халқимнинг тинчлигини ўйлаганман. Мендан бугун раҳбарлар шуни талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам давлат буюртмасидаги толани тантилик қилиб жўнатиб юбордим.

Н. РАҲИМОВ: Сиз юқоридаги ҳаракатларингиз билан халқни алдаб, халқ манфаатларига зарар келтирдингиз. Шуни биласизми?

Қ. СОТИБОЛДИЕВ: Мен халқни алдаганим йўқ, давлатни алдадим.

Н. РАҲИМОВ: Халқ кимму, давлат ким? Иккаласи бир эмасми?

Қ. СОТИБОЛДИЕВ: Тўғри, иккаласи бир. Мен ҳақиқатда хато иш қилдим. Нотўғри қилдим.

М. ЖУРАЕВ: (вилоят давлат назорати бошқармаси бошлиғи): Сизга ўхшаган танти ҳокимлар Президент фармонларини менсимасдан, бири 200, бошқаси 500 тонна толани жўнатаверса, оқибати нима бўлади?

Қ. СОТИБОЛДИЕВ: Бошқалар бу ишни қилмайди. Республикада мендақа ҳоким битта, буни ҳамма билади.

М. ЖУРАЕВ: Шу ҳаракатингиз билан колхозга 20 миллион сўмдан ортиқ зарар келтиргансиз.

Қ. СОТИБОЛДИЕВ. Мен колхозга эмас, фақат давлатга зарар келтираяпман».

Ана шу савол-жавоб Қаҳрамон Сотиболдиевнинг асл башарасини кўзгудагидек акс эттирган эмасми?

Ҳозир Тошлоқдаги қатор ташкилотлар, корхоналар, жамоаларда давлатни алдаган ана шу собиқ ҳокимни республика халқ депутатлигидан чақириб олиш тўғрисида йиғилишлар бўлаяпти. Район кенгашининг сессияси бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашига мурожаат ҳам қилди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

МАКТУБЛАРДА ЭЛ ДАРДИ

ФУҚАРОЛАР ЮРАДИГАН ОДДИЙГИНА ЙЎЛ

Умримнинг олтмиш йилдан кўпроғи Тошкентнинг Кўкча даҳасида ўтди. Эсимни танибманки. Маннон Уйғур кўчасининг яхши-ёмон ҳолатларига гувоҳман. Чорсудан то Тошкент чеккасидаги бетон йўлга боргунча бутун тарихий давр — нималар янгиланганлиги, халққа нималар ноқулайлик туғдираётганлигини янглишмай айта оламан. Кўз ўнгимдан Калковус зилол сувию, одамларнинг эшиклари олдини сув сепиб, супуриб қўйишлари ўтади. Балки менга ўтмиш ширинроқ туюлар, аммо бу ҳақиқат-ку.

Ҳозирги кунда М. Уйғур кўчасидан тинмай транспорт қатнайди. Кўча ҳаддан ташқари тор, одамлар қатнови учун йўлак йўқ. Йўл торлигидан хуноби ошган ҳайдовчилар ишдан ҳориб-чарчаб келаётган йўловчиларни қалқитавериб тинкасини қуритади.

Бу йўлнинг ҳолатини шаҳарнинг бирор-бир амалдори кўрса эди. Афсус, бу йўл ҳукумат арбоблари юрадиган шоҳкўча эмас. Қадимий Тошкентнинг оддийгина фуқаролари юрадиган йўл. Айниқса, шанба ва якшанба ёки жума намози кунлари бозор атрофида транспорт тиқилиб кетади. Йўлнинг озгинагина — Кўкча дарвозасидан мозор дарвозасигача қисмини таъмирлаш бир йилдан бери тамомланмайди. Ҳамма нарсалар сочилиб ётганлиги туфайли автомашина ва йўловчиларга ноқулайлик туғдирмоқда. Район раҳбарлари ўз фуқаролари яшайдиган ҳудудларни вақти-вақти билан айланиб, ҳақиқий аҳвол билан танишиб турсалар фойдадан холи бўлмасди.

Абдураҳим МАҲМУДОВ,
шахсий нафақачи.

• *Ташвишли хабар*

ОХИРИ БАХАЙР БЎЛСИНДА

Наманган вилоятида яшовчиларнинг кўпчилиги белгиланган миқдорда сотиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сентябрь ойи учун ҳам ололганлари йўқ. Жумладан, шакар, ўсимлик ёғи, чой ва кир совунни олишмаган.

Вилоят туманларида бундай маҳсулотлар қандай сотилмоқда? Шуни аниқлаш учун давлат назорати вилоят комитетининг ходимлари қишлоқ магазинларини текширдилар.

Натижада ачинарли аҳвол юз берганлиги аниқланди. Магазинларнинг кўпида белгиланган иш тартибига риоя қилинмайди: Кунига икки-уч соатгина ишлайди. Тўғри, шу магазинларнинг ходимлари иш ҳақини тўла олишяпти. Сотувчилар иш вақтининг бундай қисқаришини савдода молларнинг йўқлиги билан изоҳлашга уриндилар. Бу гапларда ҳақиқат йўқ эмас. Қишлоқ магазинлари пештахталарининг бўшлиги жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетади.

Белгиланган миқдорда сотиладиган маҳсулотлар тўғрисида гапирсак, бундай маҳсулотлар аҳолига мунтазам етказиб берилмаяпти. Рақамлар шундан далолат бермоқда. Йил бошидан буён қишлоқ аҳли 392,4 тонна қанд-шакар, 121,4 тонна ўсимлик ёғи, 276,6 тонна кир совунни кам олди. Чунончи, қишлоқ аҳли қанд-шакар билан 71,2 фоиз таъминланди. Барча туманларда ҳам шундай аҳвол бўлса кошки эди. Қаёқда дейсиз! Маълум бўлишича, матлубот уюшмалари вилоят кенгаши раҳбарлари туман бўлинмаларидан баъзиларини ёқтиришар, баъзиларини эса бошлиқлар унчалик ёқтиришмас экан. Акс ҳолда Чуст аҳолиси қанд-шакар билан атиги 55 фоиз, Косонсой аҳолиси 60 фоиз, Чортоқ, Задарё ва Учқўрғон туманлари аҳолиси 65 фоиз таъминланганини қандай изоҳлаш мумкин?

Қишлоқ аҳлини кирсовун билан таъминлашда ҳам худди шундай аҳвол вужудга келган. Вилоят бўйича бу кўрсаткич 90,6 фоизни ташкил этса, Уйчи тумани аҳолиси кирсовун билан 72 фоиз, чортоқ аҳолиси 66 фоиз таъминланган. Чортоқликлар икки-уч ойлаб совун олишолмаяпти, туман магазинларига ўсимлик ёғи келтиришда ҳам узилиш бўлаяпти. Айни пайтда Учқўрғон ва Поп туманларининг аҳолиси кирсовунни белгиланган миқдорда тўла олган.

Маҳсулотларни белгиланган миқдорда сотиш чоғида уларни нотўғри сотишга бутунлай чек қўйилиши лозим эди. Аммо савдо ходимлари эски одатларини тарк этишолмаяпти. Уйчи туманидаги магазинларнинг айримлари текширилган пайтда 157 килограмм қанд-шакар, 38 килограмм ўсимлик ёғи, 20 килограмм совун қаёққа кетганлигини ҳеч ким айтиб беролмади. Бу маҳсулотларни одамлар савдо ходимларининг айби билан харид қила олмаганликлари равшан. Шундан кейин вилоятдаги бир қанча магазинларда маҳсулотлар етарли бўлишига қарамай, улар харидорларга сотувчилар хоҳлаган миқдорда сотилганига, одамлар белгиланган миқдорда эмас, анча кам маҳсулот олганликларига ажабланмаса бўлади.

Текшириш натижаларига кўра айбдорлар жазоланди, лекин масалалар ҳал бўлмай қолаверди. Қанд-шакар ва кирсовуннинг етишмаслигини тушуниш мумкин. Лекин ўсимлик ёғи нега етишмаяпти? Ахир вилоятда иккита катта ёғ-экстракция заводи ишлаб турибди. Балки давлат назорати вилоят комитети бу заводлар фаолиятини ҳам текшириб кўрар?

Н. ХУЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

• *Қишлоқ матлуботи қиёфаси*

ПАЙЧИЛАР БОР, БИЗ БОР

Деҳқончилик йили якунланмоқда. Қува деҳқонлари — пайчиларимиз йиллик пилла тайёрлаш режасини ортиғи билан бажардилар. Пахтакорлар эса пахта тайёрлаш топшириғини муддатидан аввал ўринлатдилар. Якунда пахтакор режадаги 15 фоиз ва ундан ортиқ ҳосилнинг ҳақини ўз қўлига олади. Демак, деҳқон бу йил катта пул эгаси бўлади. Матлубот жамиятларининг вазифаси эса деҳқоннинг мўмай пулига яраша зарурий моллар топиб беришдан иборат.

Бу йил деҳқонларга 100 дан ортиқ савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари хизмат қилди. Бундан ташқари, дала шийпонларида кўчма савдо дўконлари ишлади. Деҳқон оилалари учун озиқ-овқат маҳсулотлари меъёрлаштирилган усулда сотилмоқда. Қишлоқларимизда қассобхона, новвойхона ва ошхоналар хизмат қиляпти.

Қувада ўтган йили 10633 оила томорқа олди. Бу ерларда дон, сабзавот, мевачева етиштирилмоқда. Жамоа хўжаликлари янгитдан барпо этган салкам икки минг гектар боғлар ҳам мева бера бошлади.

Қува матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг тажрибали савдогарлари янги иқтисодий вазиятда шундай муаммолар туғилишини аввалдан ҳис қилиб тадбирий чоралар белгилашди. Қўшимча томорқаларда етиштирилаётган мева-сабзавотнинг қанчаси бозорларда, қанчаси матлубот дўконларида сотилишини, қанчасини бошқа шаҳарларга жўнатишни ҳисоблаб чиқишди. Аён бўлдики, аҳоли етиштирадиган маҳсулотнинг тенг ярми ташкилий харидга муҳтож экан. Қолаверса, уларни қишга сақлаш, консервалаш йўли билан ҳам йил бўйи аҳоли эҳтиёжини қондириш мумкин.

Бошқарув ташаббуси ва ноҳия раҳбарларининг кўмаги билан аҳоли зич яшайдиган қишлоқларнинг гузарларида ва Қува марказида деҳқон бозорлари қурилди. Савдо-сотиқ қилмоқчи бўлган деҳқон учун пештахта-ю тош-тарози мужҳайё қилинди. Ҳозир бундай бозорлар олтита. Уларда ҳамма қулайликлар бор. Хўжаликлар юк ташишда транспортдан беминнат ёрдам бермоқда. Чакана ва улгуржи савдо йўлга қўйилган. Жамоа хўжаликларининг ҳар бозорда ўз дўконлари бор. Савдода рақобатнинг мавжудлиги нархнавонинг арзонлашувига таъсир кўрсатмоқда.

Мева бозорини тартибга солиб турувчи яна бир омил шундаки, матлубот жамияти ҳам деҳқонлар билан олди-сотди қилади. Бозорда чакана савдо қилиб ўтиришдан вақтини аяган деҳқон мевасини матлуботчилар дўконига ёки консерва заводига улгуржи нархда сотиши мумкин.

Қува матлубот жамияти бирлашмасидаги чорак асрлик фаолиятимни хомчўт қилиб, пайчилар олдида ҳеч мулзам бўлмаганман, деган хулосага келдим. Албатта, бу билан кўнгил хотиржам бўлмайди. Ҳозир ҳам қилган ҳар бир ишимиз 54 минг пайчимизнинг назоратида туради. Улар биздан янгича иш юритишни талаб қилмоқдалар. Ҳисоб-китобни яхши кўрадилар. 25 йил илгари 21 миллион сўмлик савдо-сотиқ қилган бўлсак, бу йилга келиб бу кўрсаткич 327,5 миллион сўмликка етди.

Бизнинг ишимиз аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмат ҳажми билан ўлчаниши керак. Умумий овқатланиш хизматини оладиган бўлсак, авваллари жон бошига йилига 248 сўмлик хизмат кўрсатилган бўлса, бу йилга келиб, бу рақам 2 минг 198 сўмга етказилди.

Ҳозирги кунда хизмат турлари ҳам кўпайди. Савдо қилинадиган моллар турлари беҳисоб. Илгаридан энг зарур бўлган истеъмол молларигина савдо қилинган бўлса, эндиликда рангли телевизорлардан тортиб ЭҲМларгача савдо қилинмоқда.

Савдо шохобчаларининг деҳқонлар яшайдиган жойларга яқин қурилганлиги қўл келди. Янги очилган 158 жойдаги савдо шохобчаси олди-сотди ишларини кучайтириб юборди.

Агар дўконлар ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан тўлдириб турилмаса, савдонинг ривожланиши қийин. Шунинг учун биз маҳаллий корхоналаримизни ташкил қилдик. «Бўстон» жамоа хўжалигида беш миллион дона ғишт ишлаб чиқариладиган завод ишга туширилди. Унинг маҳсулоти пайчиларга арзон нархда сотиляпти. Шаҳар марказида қурилган консерва заводида тўққиз ой мобайнида 3 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарилди. Завод қурилишига кетган 3 миллион 600 минг сўмлик харажат қопланди. Яна бир миллион 400 минг сўм нақд фойда олинди. Йил охиригача қўшимча 10 миллион сўм фойда олиш режалаштирилган. Қувада тикланаётган қандолат фабрикаси қурилиши ниҳоясига етай деб қолди. Бунга 16 миллион сўм сарфланди. Энг замонавий техника ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари билан жиҳозланмоқда. Фабрика ишга туширилгандан сўнг Ўзбекистон бозорларига йилига 16 минг тонна қандолат маҳсулотлари чиқарилади.

Гўшт, сут ишлаб чиқариш эътиборда турибди. Минг бош қорамол сўқимга боқилаяпти. Қўй ва парранда гўшти бозор нархидан арзонга сотилмоқда. Товуқхоналарда 150 мингта парранда боқилаяпти. Иссиқ нон, кондитер маҳсулотлари, музқаймоқ, колбаса, ширин ичимликлар пешма-пеш дўконларга чиқарилмоқда.

Пайчиларга меҳр-мурувват, дўстона ғамхўрлик кўрсатиш — бизнинг асосий ишимиз ҳисобланади. Пайчилардан ўсиб чиққан савдо ходимларини уй-жой билан таъминлаяпмиз. Жамиятимиз маблағига қурилган 48 хонадонли уйга ана шундай оилаларни жойладик. Пайчиларнинг соғлиғини сақлаш ҳам бизнинг бурчимиз. Улар қишлоқ, шаҳар шифоханаларига биркитиб қўйилган. 1199 киши бизнинг йўлланмамиз билан санаторийларда дам олиб келди. 300 дан ортиқ пайчиларимиз чет эл саёҳатларига юборилди. Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидай, улар чет эл кооператорларининг иш усули ва савдо маданиятини ўрганиб қайтдилар. Матлуботчилар бирлашмаси кучи билан 200 ўринли болалар оромгоҳи қурилди. Бу ерда ҳар йили 600 нафар бола дам олади ва соғломлаштириш кўригидан ўтади.

Иброҳим КАРИМОВ,
Қува тумани матлубот жамиятлари уюшмаси бошқарувининг раиси, Фарғона вилояти кенгаши депутати.

БИР ВИЛОЯТ ХАБАРЛАРИ

ЛИЦЕЙДА ИҚТИДОРЛИ БОЛАЛАР ЎҚИЙДИ

ҚАРШИДАГИ Н. Крупская номли ўрта мактаб учун қурилган янги бинода шаҳар ҳокимлиги лицей очишга қарор қилди.

ЛИЦЕЙГА шаҳардаги мактаблардан танлов асосида 100 нафар иқтидорли ўқувчи қабул қилинди. Улар ўзлари танлаган, махсус фанлар бўйича махсус жиҳозланган компьютер хоналарда ўқитилади.

АВТОБУСДАН ПОЕЗД АФЗАЛ

ШАҲАРЛАРАРО қатнайдиган автобуслар чиптали арзонлашиб, кўпчилик йўловчининг чўнтаги кўтармай қолди.

ЎРТА ОСИЁ Темир йўл бошқармасининг Қарши бўлими мутахассислари йўловчилар қатновини яхшилашнинг йўлини излаб топдилар. Қарши шаҳри билан Китоб темир йўл бекати оралиғида йўловчиларга хизмат кўрсатадиган шаҳарлараро поезд қатнови йўлга қўйилди. У вилоятнинг етти тумани ва қадимий Шаҳрисабз шаҳри аҳолиси хизматида бўлади.

Қарши темир йўл шоҳбекати бошлиғи Озод Турсуновнинг айтишича, поезд Қарши билан Китоб темир йўл бекати оралиғини 2 соату 55 минутда босиб ўтади. Энг муҳими — поезд бу оралиқда ҳар куни иккі марта қатнайди, қарийб беш минг йўловчини манзилларига етказиб қўяди.

«ТОМОГРАФ» ТАШҲИС ҚЎЯДИ

ҚАШҚАДАРЁ вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг Қарши шаҳар ташҳис марказида Германиядаги «Симменс» фирмасининг ускунаси ўрнатиладиган бўлди.

БУ СЕЗГИР ускуна компьютер ёрдамида бошқарилади. Фирма вакилининг айтишича, беморнинг ички касалликларини бехато «айтиб» берадиган бу тиббиёт асбобини германиялик мутахассислар ўрнатиб беришади.

«Томограф»ни бошқариш, беморларга ташҳис қўйиш жараёни ҳам мураккаб. Шунинг учун уни бошқарадиган мутахассислар Германияда малака ошириб келадилар.

Марказнинг бош шифокори Ҳ. Сайфиевнинг айтишича, янги йил арафасида хориждан келтирилган ускуна ёрдамида беморларга хизмат кўрсатиш бошлаб юборилади.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Шофиркон туманидаги «Дилором» машиний хизмат кўрсатиш уйида Мурод ака бир неча йиллардан буён темирчилик касбини улуғлаб меҳнат қилиб келмоқда. Унинг ясаётган дарвоза, ҳавоза ва шунга ўхшаш турли хил рўзғорбоп буюмлари буюртмачиларга манзур бўлмоқда.

Шунинг учун ҳам у кишининг номини туман аҳли ҳурмат билан тилга олади.

СУРАТДА: темирчи Мурод Шарипов иш устида.

К. КАРИМОВ олган сурат.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ШАКАРНИНГ ОЗИ ШИРИНМИ?»

(1992 йил, 29 октябрь).

Самарқанд вилояти ҳокими П. М. АБДУРАҲМОНОВ:

— Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақола юзасидан текшириш ўтказилганда газетада қайд этилган камчиликлар ўз тасдиғини топди. Текширув якунлари Самарқанд шаҳар ҳокимлиғида муҳокама қилинди. Шаҳар савдо ишлаб чиқариш акционерлик жамиятларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги «Аҳолини меъёрлангаи озиқ-овқат моллари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши қониқарсиз деб топилди. Ишда йўл қўйилган хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этмаганлиги учун акционерлик савдо ишлаб чиқариш жамиятлари раислари Ш. Боқаев, Н. Жўраев, Ш. Узоқовлар қаттиқ огоҳлантирилди.

Меъёрланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўзбошимчалик билан сотиб юборганлиги туфайли 12 та савдо дўкони мудирлари эгаллаб турган вазифаларидан бўшатилди. 8 та савдо дўкони мудирлари ишдан четлаштирилиб, дўкон ишчиси вазифасига ўтказилди. Ўн етти нафар сотувчига қаттиқ ҳайфсан берилди.

«Самарқанд» ҳудудий савдо ишлаб чиқариш концерни кенгаши томонидан Давлат назорати комитети текшируви якунлари ва газетада эълон қилинган мақола муҳокама қилиниб, бу масалани йил якунида қайтадан кўриб чиқиш бўйича қарор қабул қилинди. Ишда юқоридаги камчиликлар такрорланиши аниқланган тақдирда акционерлик савдо ишлаб чиқариш жамиятлари раҳбарларига вазифасидан бўшатишгача бўлган чоралар қўлланилади.

ҚИШЛИКНИ ҒАМЛАБ ОЛИШДИ

ЎЗБЕКИСТОН қўзи ожизлар жамияти тизимига қарашли Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти ҳозирги иқтисодий қийинчиликларни эътиборга олиб, картошка, сабзавот маҳсулотларини қишга ғамлаб олишлари учун жамоанинг ҳар бир аъзосига 500 сўмдан пул ажратди. Бу мақсад учун 230 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

А. ҲАЙДАРОВ.

• *Инсон ва қонун*

Хоразм вилояти бўйича ҳуқуқбузарлик ва қонунбузарликлар сони сўнгги 5 ой мобайнида шу йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 34 фоиз камайди, содир этилган жиноятларни фош этиш даражаси эса қарийб 18 фоиз кўпайди. Бу эътибор ва таҳлилга лойиқ далилдир.

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, милиция полковники Тўражон ХОЛМАТОВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

ХОТИРЖАМЛИККА ФУРСАТ ЭРТА

Шу йилнинг июнь ойига келганда Ўзбекистоннинг ушбу воҳасида жиноятчилик даражаси 1991 йилнинг шу даврига нисбатан кўпайгани кузатилди. Кимларнингдир шум ниятлари-ю қинғир кадами, мутасаддиларнинг ўқувсизлигию боқи-беғамлиги оқибатида жиноятлар шу даражага етган... Бироқ чекиниш учун йўл ҳам, фурсат ҳам йўқлигини вилоят ва вазирлигимиз раҳбарлари ўз вақтида идрок этдилар. Аввалига ички ишлар бошқармаси, сўнгра унинг шаҳар ва районлардаги раҳбарияти янгиланди. Ҳар бир ходим-хизматчининг билими, қобилу қодирлик даражаси қайта кўриб чиқилди. Хизматнинг янги бўғинлари таркиб топди. Энг зарури — моддий, техникавий талаб-эҳтиёжларимиз қондирилди.

Сир эмас, кейинги иккиуч йил ичида қаланғи-қасақилардан ҳам кўра милиция кўпроқ «тошбўрон» қилишди. Гўёки қамма нарсанинг айбдори «орган» бўлиб қолганди. Вилоятларда ҳокимлик тизимлари таркиб топиб, адлия ҳаёти-ю, тартиб-таомилларимизни яқиндан билган, ҳурмат қилган одамлар ишимизга бош-қош бўлишгач, олдинги қатъий оҳангдаги буйруқлар, талаб, дашномлар ўрнини вазминлик руҳидаги мулоқотлар, амалий ёрдам тадбирлари эгаллади. Бир сўз билан айтганда, бизни тушунишиб, эркинлик ва мустақиллик беришди, каззоблар ва қаллобларнинг ҳимоячилари камайди. Эндиликда биз вилоят милициясида ҳақиқий янгиланиш нафасини сезяяпмиз. Ҳаммасидан зарури — тинч ижодий меҳнат билан шуғулланаётган ҳамюртларимизнинг осойишта ҳаёти таъминланаяпти. Фикримиз тасдиғи учун айрим далилларни келтираман. Ўтган ўн ой мобайнида кишилар ҳаётига қасд қилиш ҳоллари 15, номусга тегиш 9, кишилар ўлими билан тугаган йўл-транспорт ҳодисалари 18,3 давлат бойлигига тажовуз 2,3 баравар, кишилар мулкини ўғирлаш 1991 йилги 157 фоиздан 63,7 фоизгача камайди. Айни пайтда жиноят қидирувга доир ноқонуний ва ноҳуқуқий ҳолатларни фош этиш даражаси 42,6 фоиздан 72,3 фоизга, шахсан номаълум жиноятларни очиш 18 фоиздан 50 фоизгача ўсди...

— Вилоят осойишталик посбонларининг ишлари шубҳасиз янгича, аммо ишлаётганларнинг аксарияти ўша «турғунлик» ва ўша «қайта қуриш» йилларининг кадрлари-ку?

— Фикрингизга қўшилиш ҳам мумкин, қўшилмаслик ҳам. Қўшиладиган жойи шуки, чиндан ҳам шахсий таркибнинг ўзагини ўша сиз айтган даврларнинг кадрлари ташкил этади. Бу ҳақиқат ва уни инкор этиш мумкин эмас. Қўшилмайдиган жойини эса айрим мулоҳазалар билан баён этмоқчиман.

Аёнки, яхши ишларга яхши кишилар бош бўлишади. Янгилик ва яхшилик томон биров интилса, колганлар ҳам унга эргашади. Бу ерда раҳбар ва йўлбошчининг ўрни, айниқса, катта. Халқимизда «Катта арава қайси йўлдан юрса, кичиги ҳам шу йўлдан юради» деган бир ажойиб нақл бор. Хоразмда ақлли, билимдон, ишбилармон тартиб посбонлари оз эмас. Кейинги йилларда уларнинг сафини чаққон, интилувчан, янгича фикрлай ва ишлай оладиган бир гуруҳ ўқувли ёшлар тўлдиришди. Шундай қилиб, бошқаларни орқасидан эргаштиришга қодир милиция ходимлари осмондан тушганлари йўқ, балки ўзимиздан етишиб чиқдилар. Вилоят ҳокимлиги ва вазирлигимиз раҳбарлари билан кенгашиб, уларни жой-жойига қўйдик, холос. Қайта тайёрлаш, касб маҳоратини ошириш масаласини ҳам назардан четда қолдирмадик. 54 намунали бераяпмиз. Янги тайинланган ва қабул қилинган кадрларимиз тасодифий кишилар эмаслигини қилинаётган ишлар яққол кўрсата бошлади.

— Вилоятдаги криминал ҳолат ҳақида нималарни айта оласиз?

— Шукурки, бошқа қатор вилоятларга қараганда осойишта ҳаёт кечираяпмиз. Шундай бўлса-да, одамлар ҳўзур, ҳаловатига чанг солинаётган, қонунлар менсилмаётган ҳоллар оз эмас. Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимимиз изқуварлари куни кеча Урганч марказий универсал дўконига ин қуриб олган бир гуруҳ нопок кишилар фаолиятини фош этдилар. Тадбиркорлик билан ўтказилган рейд давомида ҳар бир харидордан мингларча сўмни ўмариб қолаётган юлғичлар қўлга тушибгина қолмай, икки миллион сўмликдан зиёд турли камёб моллар яшириб қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Ходимларимиз Дўстлик шаҳри яқинидаги йўл-назорат ва ўтказиш бекатида ҳам уддабуронлик билан ишладилар. Натижада вилоятимиз меҳнаткашлари дастурхонидан жой олиши зарур бўлган 4 тонна чой, 68 қути (ҳар бири 20 кг) сариёғни ўзга элларга гумдон қилиш мақсадидаги жинояткорона режа барбод бўлди.

Гурлан райони ички ишлар бўлими ходимларининг ажойиб тажрибаси ҳақида эса мамнуният билан гапириш мумкин. Бўлим раҳбариятининг ташаббуси билан ходимимиз тайёрлов курсида ўқиди, 23 нафар киши қайта тайёрланди, 43 нафари малакасини оширди. Ҳозир биз қийин, машаққатли, аммо шарафли ишимизга қабул қилинаётганларни аввалгилардек «элак»дан ўтказмаяпмиз. Ким бўлишидан, ким бўлганидан қатъий назар, ягона талабимиз бор: вазифасини тушунсин ва бажара олсин, унинг учун бошқалар ишламасин. Истисно тарзида ягона бир тоифа, яъни кимларнингдир ҳомийлигида ишга кирмоқчи бўлганларга рад жавобини бераяпмиз. Янги тайинланган ва қабул қилинган кадрларимиз тасодифий кишилар эмаслигини қилинаётган ишлар яққол кўрсата бошлади.

— Вилоятдаги криминал ҳолат ҳақида нималарни айта оласиз?

— Шукурки, бошқа қатор вилоятларга қараганда осойишта ҳаёт кечираяпмиз. Шундай бўлса-да, одамлар ҳўзур, ҳаловатига чанг солинаётган, қонунлар менсилмаётган ҳоллар оз эмас. Иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлимимиз изқуварлари куни кеча Урганч марказий универсал дўконига ин қуриб олган бир гуруҳ нопок кишилар фаолиятини фош этдилар. Тадбиркорлик билан ўтказилган рейд давомида ҳар бир харидордан мингларча сўмни ўмариб қолаётган юлғичлар қўлга тушибгина қолмай, икки миллион сўмликдан зиёд турли камёб моллар яшириб қўйилганлиги ҳам аниқланди.

Ходимларимиз Дўстлик шаҳри яқинидаги йўл-назорат ва ўтказиш бекатида ҳам уддабуронлик билан ишладилар. Натижада вилоятимиз меҳнаткашлари дастурхонидан жой олиши зарур бўлган 4 тонна чой, 68 қути (ҳар бири 20 кг) сариёғни ўзга элларга гумдон қилиш мақсадидаги жинояткорона режа барбод бўлди.

Гурлан райони ички ишлар бўлими ходимларининг ажойиб тажрибаси ҳақида эса мамнуният билан гапириш мумкин. Бўлим раҳбариятининг ташаббуси билан лан райондаги «Амударё» жамоа хўжалигида занглаб, бузилиб қолган эски ғишт заводи ишсизлар ихтиёрига берилди. Улар эса баҳамжиҳат ишлаб, корхонани қисқа муддатда ишга солишди. Йиллар мобайнида ҳеч ким ишлата олмаган таъмирталаб завод энди хўжаликка ҳам, ишчиларнинг оилаларига ҳам мўмай даромад келтирмоқда.

Яна бир янгилик: куни кеча бошқармамиз қошида тезкор ҳаракат батальонини тузиб, унинг зиммасига тартиббузарликка қарши кураш ва жиноятчиларни қўлга тушириш вазифасини юкладик. Урганч район ички ишлар бўлими бошлаган яна бир ибратли ташаббус — милициянинг жамоатчи кўмакчиси гуруҳларини тузиш ҳаракати эса вилоятнинг ҳамма шаҳар ва районларига ёйилди. Жиноятчиликнинг одамларни безовта этаётган бир қанча кўринишлари ана шу гуруҳларнинг ҳозиржавоб ҳаракати туфайли сезиларли камаймоқда ёки барҳам топмоқда.

— Вилоятда уюшган жиноятчилик ва тил бириктириб пинҳоний бойлик орттириш билан шуғулланувчи гуруҳлар мавжудлиги ҳақида нималар айта оласиз?

— Ошна-оғайнигарчилик, ноқобил, ноҳолис одамларни қўллаб-қувватловчи ҳомийлар мавжуд экан, бундай уюшган жиноятчи гуруҳлар ҳам мавжудлигига шубҳа қолмайди. Бироқ ички ишлар ходимлари бунга бефарқ қарамаяптилар. Яқинда 12 кишидан иборат ашаддий жиноятчиларнинг қуролланган гуруҳи зарарсизлантирилди. Терговда мазкур тўда томонидан 12 та оғир жиноят содир қилингани маълум бўлди. Улардан жанговар ўқотар қуроллар, граната лар, гиёҳвандлик моддалари, қимматбаҳо зебу зийнатлар, кийим-кечаклар далил сифатида тортиб олинди.

— Башарти фикрингизни тўғри тушунган бўлсак милиция камчилиқ ва нуқсонлардан деярли халос бўлган, шундай эмасми?

— Йўқ, бундай фикрни айтиш учун ҳали фурсат эрта. Камчилик ва нуқсонларимиз анчагина. Кейинги ойларда моддий-техникавий имкониятларимиз анча ортди, ходимларнинг маоши бозор қимматчилиги шароитларига бемалол дош бера оладиган даражага етди. Демак, ишлашимиз, курашишимиз, машаққатларга бардош беришимиз зарур. Шунинг учун ҳам ҳар бир нуқсонимизни қайд қилиш билан чекланмай, албатта, таҳлил ва муҳокама қилиш, айбдорларни эса жазолашни одат қилиб олдик.

Жиноятчилик, қонунбузарлик ҳолатлари рўй бераверар экан, буларнинг аксарияти учун милиция жавоб бермоғи керак. Шундай экан, хотиржамликка ўрин йўқ.

Суҳбатдош:
А. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУСИҚАШУНОСЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон ва Япония мусиқашунослари Ўрта Шарқ халқларининг мусиқа маданиятини тадқиқ этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш режасини тузмоқдалар. Ҳамза номидаги Ўзбекистон санъатшунослик илмий-тадқиқот илмгоҳининг мутахассислари бу соҳадаги ишлар ҳақида Токио университети ҳузуридаги мусиқашунослик илмгоҳида ишловчи касбдошлари билан шартнома тузиб лар. Мазкур илмгоҳ директори, профессор Цуге Геничи яқинда Тошкентга келиб кетди. Бўлиб ўтган музокаралар чоғида у японларнинг Ўрта Осиё ва, хусусан, Ўзбекистон халқлари мусиқа санъатига бениҳоя қизиқиши туфайли қўшма тадқиқотларнинг шу мавзуи белгиланганини уқтириб ўтди.

Айни вақтда бу ерда қарор топган анъанавий мусиқа жанри — мақомлар япон мутахассисларини жалб этмоқда. Ўзбекистоннинг замонавий мусиқа санъатида мақомлар тажрибаси сақлаб қолингани ва фойдаланиб келинаётгани қизиқарлидир. Шартномада белгиланган дастур доирасида мақомларнинг ижрочилари яшаб, ишлаётган республика минтақаларига уч йил давомида қўшма экспедициялар уюштириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, Япония томони Ўрта Осиё халқларининг чолғу асбоблари тарихини ўрганиш режасини белгилаган. Уларнинг фикрича, бу иш Шарқ билан Ғарбнинг мусиқа маданиятлари ўзаро таъсирини фаҳмлаш имконини беради. Токио илмгоҳида барпо этилаётган мусиқа асбоблари музейида Ўрта Осиё ва Қозоғистонга алоҳида бир бўлим ажратиб қўйилади.

Ўзбекистон халқларининг мусиқа фольклори — қўшма тадқиқотларнинг яна бир соҳасидир. Унинг мусулмон давридан аввалги қадимий намуналари, жумладан, сеҳргарлик — дуо билан касални даф қилиш, қайтариқлар каби одатлар япон мутахассисларини айниқса қизиқтирмоқда.

Шартнома доирасида илмий-амалий анжуман ўтказиш, тадқиқот натижалари юзасидан биргаликда асарлар ёзиб нашр этиш мўлжалланмоқда.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

ОЗ СОНЛИ ХАЛҚЛАР ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯЛАР

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг республика ўқув-усулий маркази Бухоро яҳудийлари маданият маркази билан биргаликда Ўзбекистоннинг оз сонли халқларига бағишланган ўлкашунослик машғулотларини уюштирди.

Биринчи суҳбат Бухоро яҳудийларининг тарихи, келиб чиқиши ва маданиятига бағишланди. Машғулотлар ўтказилаётган ўқитувчилар уйида Ўзбекистон таниқли олимлари, халқ таълими ходимлари маъруза ва ахборотлар билан чиқмоқдалар. Архивлардаги ҳужжатлардан фойдаланишга эътибор берилди.

— Бизнинг мақсадимиз — Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг бир-бирини яхши таниши ва тушунишига ёрдам беришдан иборат, — дейди Бухоро яҳудийлари маркази раисининг ўринбосари В. Аулов. — Чунки биз ва фарзандларимиз муштарак ватан — мустақил Ўзбекистоннинг бахт-саодати йўлида биргаликда ишлаймиз.

Республиканинг оз сонли халқларига бағишланган ўлкашунослик машғулотлари давом этмоқда.

(ЎзА).

АЙБ МОШДАМИ, ТОШДА?

«НАВОИАЗОТ» бирлашмаси бош директори, республика халқ депутати В. Крупин ва корхонанинг бошқа раҳбарлари номига 25-цех бошлиғи В. Олейникдан «Служебная записка» тушди.

ОЛЕЙНИК жаноблари шундай ёзадилар: «Цехда Давлат тили тўғрисидаги қонуннинг «Миллатлараро муносабат тили — рус тили» деган моддаси бузилмоқда. Аппаратчилар ва машинистлар рапортларни фақат ўзбек тилида ёзмоқдалар. Бу эса иш маромининг пасайишига олиб келмоқда».

Биз бу «Служебная записка»ни ўқиб, у қадар ҳайратга тушмадик. Айб мошдами, тошда?

Олейникнинг сўровига корхона бош раҳбари В. Крупин, кадрлар бўйича директор Б. Ботиров, касаба уюшмаси раиси У. Мамедов қандай жавоб қилганидан ҳозирча бехабармиз. Аммо қонуннинг талаби ҳар бир фуқаро учун баробар. Олейник юқорига хат ёзиш ўрнига давлат тилини ўрганса, ўзи учун ҳам фойдали бўларди.

М. МАҲМУДОВ.

МУБОРАКДА ТУРКМАН ГИЛАМЛАРИ

МУБОРАК район маҳаллий саноат комбинатидаги ўнлаб цехларда аҳоли учун зарур буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

ЯҚИНДА гилам тўқиш цехи иш бошлади. Бу ерга гилам тўқиш сирларидан воқиф бўлган, тажрибали кишилар таклиф этилди. Халқ амалий санъатига мансуб гиламчиликнинг бир неча нусхаси синаб кўрилди. Натижада тўқувчилар мутахассислар билан ҳамкорликда туркман гиламлари тўқишга қарор қилдилар. Дастлабки туркман гиламлари мутахассислар, вилоят маҳаллий саноат бошқармаси бадиий кенгаши томонидан юқори баҳоланди.

Муборак районининг бир неча қишлоқларида ҳам гилам цехлари очиш, аҳоли ўртасида машҳур бўлган гиламлар нусхаларини тўқиш йўлга қўйилади.

Г. ПЎЛАТОВ.

• *Мунозара учун мавзу*

БАЛКИ МЕН НОҲАҚДИРМАН

Ҳозирги шароитда байналмилал жангчиларнинг яшаш шароитлари, уларга берилган имтиёзлар бозор иқтисоди талабларига мос келадими? Шу ҳақда инсоф билан ўйлаб кўриш фурсати етмадимикин?..

Ўз вақтида жангу жадалда қатнашиб, йигитлик бурчини адо этиб руҳан ва жисмонан майиб бўлиб келган йигитларга газ ва электр ёқилғиси учун ҳақ тўлашда 50 фоиз имтиёз берилган ҳолда бошқаларга 100 фоиз имтиёз берилган.

Шунингдек, улар турар жой қуриш ёки сотиб олиш учун давлатдан қарз олмоқчи бўлишса 3 минг сўмгача фоизсиз қайтариш имтиёзига эгалар. Ҳозирги шароитда бу имтиёз камлик қилади. Уларга республикамизнинг барча ҳудудларида автобус ва поездларда текин юриш имтиёзи берилса. Чунки байналмилал жангчилар ҳар куни кўчада юрмайди-ку.

Байналмилал жангчиларга бериладиган озиқ-овқат миқдори ҳам кўпайтирилиши лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида «Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва байналмилал жангчиларни ҳақорат қилганлик учун» жавобгарлик тўғрисида модда белгилаб қўйилиши керак. Чунки баъзибир ярамас инсонларнинг таъна-ю дашномларини эшитиб руҳан эзилиши ҳар бир байналмилалчи жангчининг жонига тегди, десам, хато қилмаган бўларман.

Балки мен нотўғри фикр юритаётгандирман. Шунинг учун ҳам одамлар бу ҳақда ўз фикрини билдирса яхши бўлур эди.

Сулаймон НАЖИМХОН ўғли,
байналмилал жангчи.
Самарқанд вилояти Челак райони, «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги.

НУРОТАГА... ПОЕЗДДА

МАЪЛУМКИ, Нурота чорвадор район. Лекин Нурота ва Ғозғон мармарининг довруғи етти иқлимга машҳур. Айниқса, Ғозғон мармарига Парижу Лондонда харидорлар чиқмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН бинокорлик ашёлари саноати вазирлиги (эндиликда бу вазирлик концернга айлантирилган) Конимехдан Нуротага темир йўл қуриш лойиҳасини тайёрлаб, ҳукумат эътиборига ҳавола этди. Агар ҳукуматимиз раҳбарлари фатво беришса тез орада Тошкентдан Нуротага поездда бориш имконияти яратилади. Муҳими бу эмас. Темир йўл Ғозғон мармарини Ўзбекистон номидан дунёга кўз-кўз қилади. Асосий гап шунда.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Тасвирий санъат*

РУҲИЯТ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ ЖАРАНГЛАБ ТУРСИН

Рассом Сайфулла Субҳонов номи жумҳуриятимиз тасвирий санъат мухлисларига яхши таниш. Унинг «Инсон ва табиат» мавзусидаги 50 дан ортиқ картинаси, халқ оғзаки ижоди, достонлар сюжети асосида яратилган асарлари ва кўплаб ҳажвий карикатуралари дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакатида муваффақият билан намойиш қилинмоқда.

— Бозор иқтисодиёти ҳали тўла ҳукмронлигини ўрнатмаган бўлса-да, унинг остонасидаёқ муаммоларга дуч келмоқдамиз. Айниқса, ижодкор зиёлилар турмушида, ижодида аллақандай саросималик белгилари тобора равшанроқ намоён бўлмоқда. Кўплар бошқа соҳаларнинг бошини тутиб кетмоқдалар.

— Истеъдод яралишдан исён бўлиб дунёга келади, дейишади. Ҳақиқий талант эгаси замонанинг ўзгаришию эврилишларига ўз муносабатларини билдиришса-да, аммо унинг қутқуларига камдан-кам ҳолда асир бўлишади. Чинакам ижодкор — хоҳ у ёзувчи бўлсин, хоҳ санъаткор ёки рассом — ҳеч қачон даврнинг ўткинчи ҳою-ҳавасларига қараб ўз ижодий тақдирини ўзгартирмайди. Тўғри, ҳозир шаклланган турмуш тарзимиз ва психологиямизга мос келмайдиган воқеалар юз бермоқда, айрим қийинчиликларга рўбарў келмоқдамиз. Жамиятда, сиёсатда мисли кўрилмаган янгиланишлар, ўзгаришлар. Аммо ижодкор учун даврнинг моддий тушунчаларидан кўра маънавий олами ҳамма вақт муҳим бўлган. Кўплар замона шу тарзда кетса, миллий адабиётимиз, санъатимиз тараққийси орқага кетади, деб «башорат» қилмоқдалар. Биз бир нарсани доимо ёдда тутмоғимиз керак: энг қийин, катаён замонларда ҳам буюк миллатпарвар ва беназир истеъдод соҳиблари халқнинг руҳият қўнғироқларини чалиб ўтишган. Бу қўнғироқ садоси 70 йилдан зиёд давом этган қизил империя даврида ҳам бир дақиқа тинмади. Иншоолло, юртимизда мустақиллик шамоллари кезиб юрган айни дамларда ҳам, иқтисодий қийинчиликлардан қатъий назар, миллатимизнинг руҳияти қўнғироқлари жаранглаб турибди. Фақат уни кўра биладиган нигоҳ, эшита оладиган қулоқ керак.

— Мустақилликка эришгач, кечаги кунимизнинг баҳоси ҳам, мазмуни ҳам ўзгарди. Айниқса, мафкура нуқтаи назаридан яратилган асарларнинг эстетик ва ижтимоий қиммати...

— Гапингизга тушундим. Компартия мафкураси дейсизми, соцреализм дейсизми, ҳар қалай, барчамизнинг ижодимизда бу нарсанинг излари бор. Аммо асар қайси «изм»да яратилганидан қатъий назар, юксак бадиийлик бўлса, у ҳеч қачон ўлмайди. Масалан, машҳур ва салоҳиятли, чинакам маънодаги халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев анъанавий реализм услубида инсон қалбининг энг нозик туйғуларини титратадиган, изтиробингизни исёнга айлантирадиган асарлар яратди. Марҳум устознинг картиналари вақт ўтиши билан ранглари тиниқишиб, мазмуни чуқурлашиб бораётгандай. Ҳар бир авлод Ў. Тансиқбоев асарларидан ўз дардини, ўз қувончини топади. Шундай экан, гап аввало бадиий-эстетик мазмун ҳақида бориши керак. Мафкурани қалқон қилиб халқ дардини тенгсиз бадиий асарларга кўчирган ижодкорлар бор, шу билан бирга мафкуранинг қўлига айланиб умрини, истеъдодини елга совурганлар ҳам топилади. Кечагина юксак мукофотларга сазовор бўлган асарларнинг бугунга келиб аҳамияти йўқолиб, мартабаю унвонларга эришган рассомларимиз эса...

— Кечирасиз, санъаткор халқи билан гаплашсанг, албатта, у ёки бу маънода унвонни тилга олиб ўтади. Бу ижодкор халқига теккан касалликми ё?..

— Аслида, халқ эътиборидан улуғроқ унвоннинг ўзи йўқ. Лекин жамиятда шундай муҳит ҳукм сургандан, атрофингда ҳамма нарса шунга қаратилгандан кейин туппа-тузук ижодкорлар ҳам ўзгариб қолар экан. Узоққа бормайлик-да, рассомлар уюшмасида «қайта қуриш» ва «ошкоралик» йилларида содир бўлган бир латифанома воқеани эслайлик. Шу даврда рассомларимиз ўртасида унвон учун кураш шу даражага етдики, ҳатто кўплар машина, уйжой учун навбатлар рўйхати қаторига ким қайси унвонни қачон олиши навбати рўйхатини ҳам тузиб, уни уюшма идорасига илиб қўйишни талаб қилишди. Бечора уюшма раҳбарлари ким-кимдан кейин «халқ рассоми» бўлади, ким-кимдан олдин «хизмат кўрсатган санъат арбоби» бўлади — рўйхатини тузиб ошкоралик талаби билан ҳаммаларнинг кўз олдига осиб қўйишди. Бирор фойдали, бадиий бақувват асар яратаяпсанми-йўқми, навбатинг етса «халқ рассоми» бўлиб кетаверасан. Ана сизга кулгиннинг ҳам, фожеанинг ҳам зўри.

— Сайфулла ака, Сиз юқорида бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамасдан ҳақиқий ижодкорлар иш ва изланишни тўхтатиб қўйганлари йўқ, деган гапга яқин фикр айтдингиз. Аммо мен кейинги пайтда кўпгина кўргазма залларида бу изланишлар маҳсулини кўрмадим.

— Иқтисодий муаммолар рассомларни ҳам бутунлай четлаб ўтгани йўқ. Келинг, шу ўринда иқтисодиёт билан боғлиқ миллий маданиятимизнинг келажагига бевосита дахлдор бир муаммони айтиб ўтай. Рассомларимиз қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ, улар тинимсиз изланиб ишлашмоқда. Аммо уларнинг меҳнати ҳузурини хорижий давлатлар кўрмоқда. Қандай қилиб, дейсизми? Сўнгги пайтда рассомларимиз ишларининг ҳаммасини Маданият вазирлиги сотиб олишга қурби етмаяпти, сабабини ўзингиз тушунасиз. Рассомлар эса иқтисодий қийинчилик туфайли асарларини чет элликлик сайёҳларга, ишбилармонларга сотишга мажбур бўлмоқда. Кўплаб рассомларимиз уч-тўрт йилга ишлаб келиш учун чет эллар билан шартнома тузиб кетиб қолмоқдалар. Улар ижодларининг «қаймоғи» хорижга кетмоқда. Жаҳоннинг манаман деган кўргазмаларини безаб, кўп миқдорда валюта олиб келиши ва юртимизда миллатимиз маданияти кўзгуси бўлиши мумкин бўлган ўнлаб асарлар арзимас пулга чет элга кетмоқда. Ўзбек санъатининг бошқа турлари жаҳон миқёсида қандай ўрин тутади — буни билмадим-у, аммо ўзбек рассомлари мактаби кучли тарзда шаклланган ва бизнинг мўйқалам соҳиблари истаган бир давлат рассомлари билан беллаша оладиган даражада асарлар яратишган ва яратмоқдалар. Бойлик, пул доимо бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб турадиган нарсалар. Бу жараённинг олди олинмаса, маданиятимизнинг катта бир даврида ўзига хос йўқотиш пайдо бўлиши мумкин. Маданият вазирлиги асарларни сотиб олиш, буклетлар, каталоглар чиқариш ишларини йўлга қўймоғи лозим.

— Тасвирий санъат асарлари четга чиқиб кетаётганлигининг сабабларини айтдингиз. Аммо, менимча, энг асосий сабаб одамларимизда санъатнинг шу турига нисбатан бўлган бефарқ, тушунарсиз муносабат бўлса керак. Картиналарга боқиб, завқланиб, руҳий тозаланиб, кўзлари ёниб турган томошабинлар қатори тобора сийраклашиб кетяпти.

— Бизда тасвирий санъат асарлари асосан музейларда сақланади. Ваҳоланки, санъат асарлари музейларда эмас, одамларнинг уйларидан, ишхоналаридан жой олмоғи керак. Музейга ойнга-йилига бир марта тушилади. Инсон ҳар куни нимадандир завқ олиши, руҳан тиллашиб, дунёнинг боқий ва ўткинчи нарсаларини сезиб турмоғи лозим.

— Сайфулла ака, энди бевосита ижодий режаларингиз, ҳозир қилаётган ишларингиз ҳақида гаплашсак.

— Рассомлар ҳаёти ва ижодий тақдирлари тасодифларга бой бўлади. Ҳозир хаёлимни Шарқ миниатюра санъати ошуфта этган. Буюк Алишер Навоий, Низомий Ганжавий асарлари асосида яратилган миниатюраларга соатлаб термулгинг, уларнинг бағрида яширинган ранглар рамзига калит топгинг келади. Беҳзод, Шоҳ Муаффар, Юсуф Наққош, Қосим Али Чеҳракушо, Мирак Наққош сингари улуғвор даҳоларнинг бетакрор санъатлари ичра такрорланмас асарлар яратиш иштиёқи қалбда ўту оташ бўлиб ёнади.

Яна бир пок ният билан Бухоро шаҳрида кўргазмаларим очилди. Сўнгги пайтда табиатдаги сирли ўзгаришлар, оддий ўт-ўлану майсадан тортиб асрий чинорларгача бир илдизнинг мевасимикин, деган ўй-фикр билан яшаб, дунёдаги ҳамма нарсанинг ягона илдизи рангини топиш иштиёқи тинчлик бермаётир. Ёш ўтган сайин инсон кўпроқ хаёллар гирдобига чўкади, дейишади. Бу сарҳуш хаёл балки шундандир. Лекин бир нарсага имоним комилки, она табиат мавзуси мен учун юрак ишига айланиб қолган экан. Шу боис санъатда менинг ҳам ўз дарахтим, ўз тоғим, ўз дарём бўлиши керак. Бошқаси бекор. Бунга қанчалик эришдим ёки йўқ — буни вақт кўрсатади.

Суҳбатдош: Жалолиддин САФО.

* * *

СУРАТЛАРДА: рассом ижодидан намуналар.

Жаҳон 24 соат ичида

АФҒОНИСТОН: БЎЛИНГАННИ БЎРИ ЕР

Ассошиэйтед пресс ахборот маҳкамасининг Кобулдан хабар қилишича, Афғонистон Ислом давлатининг ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли самолётлар 9 декабрь куни мамлакат Муваққат президенти қароргоҳига ва Мудофаа вазирлиги биносига бомба ёғдирдилар.

Янги қилмиш ортида қандай куч турганн аниқ эмас, бироқ ушбу самолётлар қароргоҳи Мозори Шарифда бўлмиш генерал Абдулрашид Дўстимга содиқ кучлар томонидан жангга киритилган, деб тахмин этилмоқда. Маълумки, генерал Абдулрашид Дўстим саркор бўлган қўшинлар шу йил баҳорида янги ҳукумат ёнини олган ва Нажибулло ҳукуматини ағдаришга бевосита иштирок этган эди.

Афғонистон Ислом давлатининг Муваққат президенти ўтган сешанба куни Кобулда қаттиқ жанглар давом этаётгани туфайли мамлакат янги ҳукуматини сайлаш мақсадида 15 декабрда ўтказилиши керак бўлган Миллат вакилларининг кенгаши бошқа кунга кўчирилади, деб айтди. Муваққат президент «камина кенгаш ўз ишини бошлагунга қадар мамлакатда ҳукумат учун масъулдирман», деди журналистлар билан учрашувда. Рейтер ахборот маҳкамасининг Кобулдан хабар қилишига қараганда, ваколати 45 кунга узайтирилган Бурҳониддин Раббонийнинг ваколати 15 декабрда тугаши керак. Муваққат президент эса бу муддат тугагандан кейин ҳам мамлакатга раҳбарлик қилмоқчи.

Ўтган ҳафта шанба кунидан 8 декабрь кечқурунгача давом этган жангларидан сўнг, ўт очишни тугатиш эълон қилинганига қарамасдан, илгари ҳукумат тузган ва ўзаро муросада бўлган «Афғонистон Ислом жамияти» билан «Афғонистон Исломий Бирлиги партияси» (АИБП) бўлинмалари ўртасида қақшатқич жанглар тўхтагани йўқ. Муҳолиф томонлар ва тинч фуқаро орасида қурбонлар кўп: 100 дан ошиқ одам ҳалок бўлди ва 800 киши жароҳатланди.

«Афғонистон Ислом жамияти»нинг раҳнамоси бўлмиш Муваққат президент яқин кунларда иш бошлаши керак бўлган Миллий Кенгашни барбод қилгани учун барча айбни «Афғонистон Исломий Бирлиги партияси» қўшинларига тўнкади. У Кенгаш иш бошлаши мумкин бўлган сана тўғрисида лом-мим демади. Фақатгина уни ўтказишга пухта тайёргарлик кўрилаётганини маълум қилди.

Ҳозир генерал Абдулрашид Дўстим саркор бўлинмалари мамлакат пойтахтининг барча стратегик жабҳаларини эгаллаб турибди ва Кобул кўчаларида соқчилик қилмоқда. Унинг қўшинлари Муваққат президент қароргоҳини қуршаб олган. Рейтер ахборот маҳкамасининг Исломободдан хабар беришича, бир неча муҳим вазирлик бинолари ҳам қуршовга олинган. Қуршовчилар овозкучайтиргичлар ёрдамида аҳолини осойишталикка чақирмоқдалар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Кобулдаги ваколатхонаси ходимларидан бирининг шаҳодат беришича, гарчанд, мужоҳидлар вазият мўътадил дейишаётган бўлса-да, аслида, вужудга келган ғоятда қалтис вазият давлат тўнтариши қилинганидан далолат беради «Афғонистон Ислом жамияти»нинг машҳур қўмондонларидан бири, мудофаа вазири Аҳмадшоҳ Маъсуднинг қамоққа олинганн тўғрисидаги тасдиқланмаган хабар ҳам шунга ишора этади.

Ваколатхона ходимининг сўзларига қараганда, жанглар давомида Мудофаа вазирлиги биноси, БМТ ваколатхонаси ва Муваққат президент қароргоҳига бир неча ракета ва снаряд теккан.

9 декабрь куни Абдулрашид Дўстим бўлинмалари Аҳмадшоҳ Маъсуд қўшинлари билан урушаётган «Афғонистон Исломий Бирлиги партияси»нинг бошқа бўлинмаларига ёрдам бериш мақсадида ўз казармаларидан чиқди.

Франс пресс ахборот маҳкамасининг Исломободдан француз дипломатлари ва афғонларнинг шаҳодатларига асосланиб хабар беришича, Кобулда ва унинг атрофларида Аҳмадшоҳ Маъсуд қўшинлари билан АИБП бўлинмалари ўртасидаги шиддатли жанглар давом этаётир. Шоҳидларнинг сўзларига қараганда, АИБП жангарилари мамлакат радио ва телевидениеси устидан назорат ўрнатгандан сўнг Мудофаа вазирлигининг бир қисмини эгаллаб олдилар. Исёнчилар 300 кишини асир олдилар, улар орасида бир неча нуфузли мансабдор шахслар бор.

Ғарб давлатларининг маълумотга эга бўлган манбаларининг таъкидлашича, АИБП кўзга кўринарли муваффақиятларга эриша олмаган бўлса-да, Кобул кўчаларида «ғалати бир фаоллик» вужудга келган. Қисқаси, давлат тўнтариши амалга ошди ёхуд мухолиф мужоҳидлар гуруҳлари ўртасидаги зиддият янгича тус олди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, бўлиб ўтаётган жангларда Гулбиддин Ҳикматёр қўшинларининг аралашмай турганн, Муваққат президентнинг ўз ваколатларини сақлаб қолишга интилаётгани ҳамда кутилмаганда Абдулрашид Дўстимнинг дўсти Аҳмадшоҳ қўшинлари билан жангга киришгани Афғонистонда кечаётган жараёнларнинг ниҳоятда чигал эканидан далолат беради. Бундай вазиятга майда-чуйда воқеалар эмас, аксинча, афғон халқининг иродаси ва вақт ҳакамлик қила олади.

10 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Кобулда жанговар ҳаракатларни зудлик билан тўхтатишга даъват этди. Ҳалқаро ҳамжамиятнинг қароргоҳида Бутрос Галининг расмий ҳужжат сифатида тарқатилган баёнотида шу ҳақда сўз юритилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби гуруҳлари жангларда иштирок этаётган афғон мужоҳидлари раҳбарларидан бемаъни телбаликка чек қўйишни талаб қилди.

(ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТ БОШҚАРУВИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Рейтер ва РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаларининг хабарларига қараганда, 6 декабрь кечаси Ҳиндистоннинг 120 миллион аҳоли яшайдиган Уттар-Прадеш штатида президентлик бошқаруви жорий этилди.

Мамлакат раҳбарларининг фармонига кўра, штат ҳукумати ва маҳаллий парламент тарқатиб юборилди. Якшанба куни ҳиндий ақидапарастларнинг Айодҳия шаҳридаги Заҳриддин Муҳаммад Бобур фармонига биноан қурилган улкан «Бобурий» жомеъ масжидининг бузиб ташланиши фавқулодда ҳолат жорий этилишига сабаб бўлди.

«Масжидни вайрон этгумиз!», «Рама шарафини оқлайлик!» сингари бақириқ-чақириқлар остидан отилиб турган минг-минглаб миллатчилик кайфиятидаги ҳиндийлар оломони хавфсизлик кучлари сафларини ва симтўсиқларни ёриб ўтиб, Бобурий масжиди ҳудудига бостириб кирдилар. Масжид деворларини ағдаргач, ваҳший оломон унинг уч гумбазини бузиб ташлади. Баланд гумбазлар ағдарилаётган пайтда ҳужум қилганларнинг кўпчилигини босиб қолди ва улардан тўрт киши ҳалок бўлди.

Бир неча йиллардан бери Бобурий масжиди мусулмон босқинчиларн томонидан бузиб ташланган Рама худоси шарафига тикланган ибодатхона ўрнида қурилгандир, деб таъкидлаб келган ҳиндий баттолларнинг ваҳшийлиги мамлакат мусулмон аҳолисининг ҳақли норозилигига сабаб бўлмоқда. Юз миллионлик Ҳиндистон мусулмонларининг раҳномаларидан бири, Деҳли жомеъ масжидининг воизи Саййид Абдуллоҳ Бухорий «мусулмонларни сотдилар. Чунки ҳиндийлар масжид бузилмайди ва масала тинч йўл билан ҳал этилади, деб қатъий ишонтирган эдилар», деб баёнот берди. Воиз Ислом дини муҳиблаини сешанба куни умумҳиндистон ва умуммусулмон иш ташлашига даъват этди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, соат саккизинчи авж олаётган жамоаларо тўқнашувларда бутунгача 125 киши ҳалок бўлди. Бу эса Ҳиндистон маъмурларини Мирут, Алигарх ва бошқа шаҳарларда, шунингдек, пойтахтнинг эски шаҳар қисмида кечаю кундуз комендантлик соати жорий этишга мажбур қилди. Андхра, Прадеш, Бихар, Гужарот, Ҳимочол-Прадеш, Ражистон ва Ғарбий Бангалия штатларида армия қўшилмалари ва полиция қисмлари жанговар ҳолатда турибди.

Бобурий масжидининг вайрон этилиши мамлакатда кескин вазиятни вужудга келтирди. Миллий жабҳалар ҳамкорлиги, сўл партиялар, турли ҳаракатлар ва ташкилотлар масжид бузилишининг олдини ола билмаган П. В. Нарасимха Рао ҳукуматини айбламоқдалар ва унинг истеъфога чиқишини талаб қилмоқдалар. 7 декабрь куни эрталаб иш бошлаган республика парламенти кун тартибини тасдиқламаёқ ўз ишини тугатишга мажбур бўлди. Қонун чиқарувчи идора иши номаълум муддатга кечиктирилди. Бўлиб ўтган воқеаларга жавобгарликни ўз зиммасига олган парламентдаги мухолифият саркори, Бхатария Жаната ўнг миллий ҳиндий партиясининг раҳбари Л. К. Адваний истеъфога чиқди.

(ЎзА).

Жаҳон 24 соат ичида

** Ғолибларни олқишлаймиз*

* ТАНИШИНГ: ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СОВРИНДОРЛАРИ *

Юлия ЯНКИНА. 1975 йил туғилган. Мураббийси — Қ. Қўлдошев. Чирчиқ Олимпиа резервлари спорт-мактабида ўқийди. Олтин медаль совриндори.

Наталья КУПРИЯНА. 1972 йил туғилган. Мураббийлари — Ф. Пўлатов, А. Кочетков. «Трактор» спорт клубидан. Олтин медаль совриндори.

Шоира ТОШПЎЛАТОВА. 1976 йил туғилган. Мураббийси — Қ. Қўлдошев. Чирчиқдаги Олимпиа резервлари спорт мактабида ўқийди. Кумуш медаль соҳиби.

Елена ТУЛУПОВА. 1975 йил туғилган. Мураббийси — Ф. Пўлатов. Олимпия резервлари спорт мактабида ўқийди. Кумуш медаль соҳиби.

Марина МИХЕЕВА. 1969 йил туғилган. Мураббийлари — Ф. Пўлатов, Қ. Қўлдошев. МАСК аъзоси. Бронза медаль соҳиби.

Нела ҚИЁМОВА. 1969 йил туғилган. Мураббийси — А. Тимофеев. «Меҳнат резервлари» спорт клубидан. Бронза медаль соҳиби.

АВВАЛ хабар қилганимиздек, Минск шаҳрида самбо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Ўзбекистонлик аёллар терма жамоаси бундай мусобақаларда биринчи бор иштирок этишига қарамай, дунёнинг 21 та йирик мамлакати ўртасида совринли 3-ўринни эгаллади. Махсус мухбиримиз Пўлат ЖОЗИЛОВ Ўзбекистон самбочи қизлар терма жамоаси бош мураббийси Ф. ПЎЛАТОВ, жамоа катта мураббийси Қ. ҚЎЛДОШЕВ ҳамда курашчи қизларни жаҳонга танитишда катта улуш қўшган шахсий мураббийлар А. ЗАЙНИТДИНОВ, А. ТИМОФЕЕВ билан суҳбатлашди.

ДУНЁНИ ЛОЛ ҚИЛГАН ЖАМОА

САМБО БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ИШТИРОК ЭТДИЛАР

МУХБИР: Маълумки, моҳир курашчи бўлиб етишиш учун 6—7 йиллик тайёргарлик босқичини ўташ керак бўлади. Лекин курашчиларимиз биринчи уринишдаёқ жаҳон аҳлини лол қолдиришди. Айниқса, ёш қизларимизнинг довруғи етти иқлимга таралди...

Ф. ПЎЛАТОВ: Мен уларнинг баҳсини ўз кўзим билан кўриб, шунга амин бўлдимки, ҳақиқатан ҳам спортчиларимиз энг қийин вазиятларда ҳам ғалабага бўлган умидларини йўқотмадилар. Ҳолбуки, ёш республикамизнинг ёш жамоаси олдида икки ой аввал жаҳон кубоги ғолиби бўлган Қозоғистон, шу йилгача собиқ СССР чемпионатларида доимо биринчи ўринни эгаллаб келган Россия, самбо тури жуда кенг ривожланган Франция, Жазоир, Болгария, Грузия жамоалари турарди.

Мўғилистон курашчиларини ҳам кучли рақиб ҳисоблаб юрар эдим. Лекин улар нимагадир чемпионатда иштирок этишмади.

МУХБИР: Ҳиссиётларга берилиб, суҳбатни ўртасидан бошладик. Муштарийларни бу мусобақанинг ўтказилиш тартиби ҳам қизиқтиради.

Қ. ҚЎЛДОШЕВ: Бу жаҳон чемпионати йилда бир марта ўтказиладиган кенг қамровли мусобақа бўлиб, унда эркаклар ва аёллардан умумий жамоа тузилади. Унинг ҳар бири яна уч гуруҳга бўлинади: катта ёшдаги эркаклар, ёшлар, ўсмирлар; катта ёшдаги аёллар, ёш қизлар ва ўсмир қизлар. Шу олтита гуруҳдан ташкил топган жамоанинг эришган кўрсаткичига қараб мамлакатнинг чемпионатдаги ўрни белгиланади.

Ф. ПЎЛАТОВ: Таркиб тўлиқ эмас эди. Яъни қоидадаги 30 эркак ва 30 аёл ўрнига 25 эркак ва 12 аёл қатнашди.

Шундан ҳам бир қизимиз жароҳат олиб, майдонни тарк этди.

МУХБИР: Бунинг боиси нимада?

Ф. ПЎЛАТОВ: Билмадим. Бизга иқтисодий қийинчилик деб тушунтиришди. Лекин бу «қийинчилик» бизга жуда қимматга тушди. Жамоа таркиби тўлиқ бўлганда бундан ҳам юқори ўринни олишимиз мумкин эди. Бир тасаввур қилинг-а, спортчи қизларимиз битта рақиб билан курашиб, дам олиш ўрнига кейингиси билан ҳам тушишга мажбур бўлишди. Бу ерда «мажбур бўлишди» деган гапим нисбий, албатта. Агар улар ўзлари бунга бутун масъулиятни зиммаларига олиб, рози бўлишмаганларида уларни ҳеч ким мажбур қила олмасди. Аҳли оламни қойил қилган нарса ҳам уларнинг худди мана шу жасорати, Ўзбекистон байроғи олдида туриб республика шаънини жон-жаҳдлари билан ҳимоя қилганлари бўлди. Натижада жаҳоннинг шу вақтгача кучли ҳисобланиб келинган Россия, Қозоғистон, Арманистон жамоалари кейинги ўринларга тушиб кетди. Афсуски, халқ уларнинг жасоратини ҳали-бери экранларда кўра олмасалар керак, тасвирлаб беришга эса тил ожизлик қилади.

Қ. ҚЎЛДОШЕВ: Шоира Тошпўлатованинг жасорати, гарчи у иккинчи ўринни олган бўлса ҳам, кўпчиликни ҳайратлантирди: у 1976 йилда туғилган бўлишига қарамай, ўзидан бир неча ёш катта, 1972—73 йилги қизлар ўртасида кумуш медаль соҳиби бўлди.

Бу ғалабанинг ўзи унга етарли эди. Жамоамизнинг кейинги баҳси москваликлар билан бўлди. Рақиб жамоанинг курашчиси Ю. Мартененкога қарши майдонга тушувчи курашчи бизда етишмас эди. Шунда аввалги рақиби бишундай бир чиройли усул қўлладики, рақиби беихтиёр гурсуллаб қулади. Ютқазаётган бир пайтда соф ғалабага эришишини фақат жасорат деб таърифлаш мумкин.

Ф. ПЎЛАТОВ: Ю. Янкина, Н. Куприянанинг ғалабаси ҳам шундай бўлди. Улар ҳам ўзлари, ҳам етишмаган спортчи учун майдонга тушиб, ватанга иккита олтин медаль олиб қайтишди ва самбо бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлдилар. Умуман қизларимиз биз кутмаган ғалабани қўлга киритдилар. Е. Тулупова, Ш. Тошпўлатова кумуш, М. Михеева, Н. Қиёмова, О. Ласточкина, З. Абибуллаева, С. Нилова, Е. Зайцева, О. Корнякова бронза медаль соҳиби бўлдилар. Аёллар жамоаси мустақил республикамизнинг совринлари музейини 2 та олтин, 3 та кумуш ва 7 та бронза медаль билан бойитдилар ҳамда умумий жамоанинг учинчи ўринни эгаллашига сабабчи бўлдилар.

МУХБИР: Уларни шундай руҳан тетик, иродали, чиниққан спортчилар бўлиб етишиши кўп жиҳатдан моддий манфаатдорликка ва машғулотлар давомида етарли шароит бўлишига боғлиқ. Натижа бу муаммоларнинг ҳал этилганидан дарак беради.

А. ЗАЙНИТДИНОВ: Қани эди яқин кунлар ичида шундай бўлиб қолса, бизнинг шарт-шароитимиздан хабар оладиган ҳомий топилса. Бизнинг «Оқ белбоғ» клубимизда ўтказиладиган машғулотларга бир келиб томоша қилсангиз, қайтиб келмайдиган бўлиб кетасиз. Гиламларимиз эскилиги туфайли титилиб кетган, ҳозир полда машқлар ўтказаяпмиз. Лекин кейинги пайтларда бунинг ҳам иложи бўлмай қолаяпти. Мен унинг қаттиқлигини, йиқилганда жароҳат олиш мумкинлигини айтмаяпман. Полнинг тахталари чириб ўйдим-чуқур бўлиб ётибди.

Шу вақтгача ўз ҳисобимиздан таъмирлаб келдик. Шундай бўлишига қарамасдан, бизнинг клубимиздан ҳам жаҳон чемпионатида иштирок этиб, совринли ўринни эгаллаган спортчи чиқиши кутилмаган ҳодиса — Светлана Ниловани айтаман-да.

Ф. ПЎЛАТОВ: Бу-ку, ҳали битта спорт клуби экан, Ўзбекистон аёллар терма жамоаси машқ ўтказган зални бир кўрсангиз эди.

А. ТИМОФЕЕВ, Келинглар, бугун ютуқ нашидасидан ором олаётган кўнгилларни етишмовчиликлар ҳақида ўйлаб хира қилмайлик. Балки қизларимиз ночор шароитимиз ўнгланармикан, деган умидда жонжаҳдлари билан курашгандир, балки шундай оғир шароитда машғулот ўтказганлиги уларни чиниқтиргандир. Нима бўлганда ҳам бугун ғалаба биз билан. Бундан раҳбарларимиз тўғри хулоса чиқарадилар, деб умид қиламиз.

Келаси йили ноябрь ойида Омск шаҳрида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида қатнашадиган Ўзбекистон терма жамоаси қизлари аъло шароитларда машғулот ўтказсалар керак. Яхшиси, навбатдаги режалар хусусида гаплашайлик.

Ф. ПЎЛАТОВ: Бу борада мен шуни айтишим мумкинки, Жазоир, Франция, Болгария давлатлари бизни тажриба алмашиш учун таклиф қилаяпти. Лекин у ёққа бора оламизми-йўқми — Худо билади. Чунки ҳозирча иқтисодий қийинчилик қанотимизни қайириб турибди.

МУХБИР: Бу қийинчилик фақат спортда эмас, бошқа зарур соҳаларда ҳам панд бераяпти. Ёруғ кунлар — олдинда. Муҳими, истиқлолга эришган юртимиз, аждодлар анъанасига содиқ авлодлар бор. Халқ ичида ўзлигини намоён қилолмай юрган асл фарзандлар бор. Яқин кунлар ичида бу «булоқ»ларнинг кўз очиши муқаррар.

Сизларнинг кейинги мусобақаларда бундан ҳам юқори ўринларни эгаллашингизга тилакдошман. Самимий суҳбатларингиз учун ташаккур.

Ольга ЛАСТОЧКИНА. 1977 йил туғилган. Мураббийси — А. Тимофеев. МАСКдан. Бронза медаль соҳиби.

Зера АБИБУЛЛАЕВА. 1974 йил туғилган. Мураббийси — Ю. Колодязний. Чирчиқ Олимпиа резервлари спорт мактабида ўқийди. Бронза медаль соҳиби.

Светлана НИЛОВА. «Оқ белбоғ» спорт клуби аъзоси. Мураббийси — А. Зайнитдинов. Бронза медаль соҳиби.

Екатерина ЗАЙЦЕВА. 1976 йил туғилган. Мураббийси — Қ. Қўлдошев. Чирчиқдаги Олимпиа спорт мактабида ўқийди. Бронза медаль соҳиби.

Минск шаҳрида ўтказилган ушбу жаҳон чемпионатида эркаклар таъқими ҳам қатнашди ва довруғи етти иқлим оша дунёга ёйилди.

УЛАРНИНГ мусобақаси ҳам уч босқичда: катталар, ёшлар ва кичик ёшлилар ўртасида ўтказилди. Шундай курашчилардан ташкил топган Ўзбекисотн терма жамоаси ватанга бир неча медаль билан қайтди. Катталар мусобақасида иштирок этган Елибратов олтин, Очилов кумуш, Герасимов, Рудольф бронза медали соҳиби бўлишди.

Ёшлар ўртасидаги баҳсларда йигитларимиздан Маҳмарасулов, Готоулин, Йўлдошев, Орзиев кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Моҳир курашчи Болтаев бирваракайига ёшлар ва катталар мусобақасида иштирок этиб, олтин медаль эгаси бўлди.

Кичик ёшдаги самбочиларимиз ҳам томошабин ва мутахассисларнинг назарига тушдилар. Улардан Ғофуров олтин, Мусинов, Ҳовалов, Жўраев бронза медали билан юртига қайтдилар.

НАМАНГАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ВАРЗИК АТЛАСИ

Косонсой шойи тўқиш фабрикаси директори, Ўзбекистон халқ депутати Файзуллахон Акрамовнинг ташаббуси билан фабриканинг Чуст район Варзик қишлоғида ташкил қилинган филиали тўқувчилари «Томчи», «Яҳудий», «Гулноз» каби беш хил атлас тўқий бошлашди. Улар тўқиётган икки хил турдаги бекасам ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Савдо тармоқлари ундан ҳар ой 30—35 минг метр маҳсулот олиб туришибди. Ушбу корхонада августда 44, сентябрда 45, октябрда эса 46 минг метр газлама тўқилди. Варзик атласи ва бекасамининг харидорлари кун сайин кўпаймоқда.

МУЙСАФИДЛАРГА МАДАД

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва уларнинг оилаларига бериладиган нафақа пули бирмунча оширилди. Биргина Поп районида бундай оилалар 13730 дан ошиқ.

Улар орасида боқувчисиз қолган, камхарж оилалар ҳам бор. Агросаноат комплекси касаба уюшмаси қўмитаси мўйсафидлар ва ногиронларга ёрдам учун 18 минг сўм, район социал таъминот бўлими 200 минг сўмдан зиёд миқдорда пул ажратдилар. Ёшлар қўмитаси эса уларнинг турмуш тарзини яхшилаш йўлида турли хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Район саноат корхоналари, жамоа ва давлат хўжаликлари ҳам район мўйсафидлари ҳамда ногиронларига баҳоли қудрат мадад бериш мокда.

ДУКОННИНГ ЯҚИН БЎЛГАНИ ЯХШИ

Норин, Чўжа ва Норинкапа қишлоқларида бир неча янги дўконлар ишга тушди. Бу ерларда бозор иқтисодиёти қонунлари келтириб чиқараётган машаққатларни камайтириш, халққа керакли истеъмол моллари, озиқ-овқат, мева ва сабзавотлар билан савдо қилиш кун сайин яхшиланмоқда.

«Чанғитма» маҳалла комитети раисининг айтишича, янги дўконларнинг хизмати туфайли қўшни маҳаллаларга нисбатан уларда хизмат кўрсатиш кескин яхшиланган. Қишлоқ савдо ходимлари пахтакор ва механизаторларга фақат пахта йиғим-терим пайтидагина эмас, йилнинг тўрт фаслида ҳам бир хил хизмат қилишга тайёр.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

• Меҳр-шафқатли бўлайлик

ОЛТИН ОЛМА—ДУО ОЛ

«Наврўз» хайрия жамғармаси яқинда тузилганига қарамай, кўпгина савобли ишлар қилмоқда. ЎзА мухбири жамғарма раисининг муовини З. РАСУЛОВга бир неча савол билан мурожаат этди.

— Жамғарма тузилишига нима туртки бўлди?

— Собиқ иттифоқ парчаланиб, озодлик шамоли эса бошлаши билан қадимий урф-одатларимиз, байрамларимиз ва маънавий қадриятларимиз тиклана бошлади. 1991 йилда ўтказилган «Наврўз» телемарафони кўпчиликнинг эсида. Ў халқимизнинг нақадар бағри кенг, саховатли эканини яна бир бор кўрсатди. Ўзбекнинг ниҳоятда болажон, серфарзанд эканини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шундай оилаларнинг аҳволидан доимо хабардормизми? Республика миқёсида эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, қаровчисиз қариялар, уруш ва меҳнат фахрийлари анчагина. Шубҳасиз, уларни иҳтимоий жиҳатдан ҳимоялашга қаратилган Президент фармонлари олдида биз қилаётган хайр-эҳсонлар денгиздан томчи, холос. Шунга қарамай, республика раҳбарларининг хайрихоҳлиги туфайли 1992 йилнинг 23 майида «Наврўз» хайрия жамғармаси ташкил этилди.

— Сир эмаски, бугунги кунда жамғармалар кўпайиб кетди, жумладан, «Болалар», «Меҳр-шафқат», «Орол», «Маҳалла»... хуллас, санайверсак, кўп. Мазкур жамғарманинг бошқаларидан фарқи нимада?

— Саволингиз ўринли. Ҳақиқатан ҳам жамғармалар сероб. Лекин ҳар бир жамғарманинг ўз ўрни бор. Биз республикада тузилаётган барча жамғармаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда халқимизнинг турмуш даражасини яхшилашда улар билан ҳамкорлик қиламиз. «Наврўз» ихтисослашган хайрия жамғармаси бўлиб, унинг фаолият тармоқлари кенг. Жамғарма ходимларининг маоши ўз кичик корхонамиз орқали ишлаб топилган маблағдан бериляпти. Корхона даромадининг 20 фоизи хайрия мақсадларига сарфланади.

— Жамғарманинг баъзи ишлари ҳақида огоҳ этсангиз.

— Хайр-эҳсоннинг каттакичиги бўлмайди, ҳар ким қурби етганича, албатта. Пайғамбаримиз ҳадисларида ўнг қўлинг қилган эҳсонни чап қўлинг билмасин, дейилган. Яъни бирор манфаатни кўзламасдан хайр-эҳсон қилиш лозим, билъакс, унинг савоби тегмайди.

Мустақилликнинг бир йиллиги олдидан Чирчиқда шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда хайрия тадбири ўтказдик. Унда кам даромадли оилалардан учтасига соғин сигир ҳадя қилдик. Тўқсон ёшдан ошган отахонларимизга сарпо улашдик. Уч нафар келин-куёвнинг никоҳ тўйига ҳар бири 22 минг сўмлик уй жиҳози топширдик. Қибрай туманида 131 гўдакнинг суннат тўйини ўтказиш учун жамғармамиз юз минг сўм сарфлади. Мустақиллик байрами кунларида Тошкент тумани ҳокимлиги билан биргаликда 22 ёш оилага тўйи арафасида мебель ва гилам ҳадя этилди.

Жамғармада аҳолидан тушаётган аризаларни ҳам ижобий ҳал этяпмиз, уларга баҳолиқудрат кўмаклашяпмиз. «Олтин олма — дуо ол, дуо — олтин эмасми?» деган нақл бежиз айтилмаган экан, «Наврўз» элнинг дуосини олиб, унинг назарига тушди.

— Режалар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Бозор муаммолари, ҳар бир оиланинг эшигини қоқиб турган ҳозирги вақтда эртанги кунни ўйламай бўлмайди. Келаси Наврўз байрами олдидан «Наврўз-93» пул лотереясини чиқардик. Унда беш юз минг, бир миллион, ҳатто уч миллион сўмлик ютуқлар бор.

Юқорида айтиб ўтганимдек, жамғармамиз хайрия учун маблағ йиғишдан ташқари, ишлаб чиқариш, тижорат фаолияти билан ҳам шуғулланади. Ташқи иқтисодий ва маданий алоқалар бўлимимиз Америкада яшовчи юртдошларимиз билан ҳамкорлик қилиш ниятида.

Туркия, Покистон ва Германия давлатлари ҳудудида «Наврўз»нинг қўшма корхоналарини очмоқчимиз.

Абдумажид АЗИМ,
ЎзА мухбири.

ДИЗАЙН: АНЪАНАЛАР ВА ЗАМОНАВИЙЛИК

Ўзбекистонда замонавий Дизайннинг миллий манбалари ва уни ривожлантириш масалалари Тошкентда бўлиб ўтган илмий-амалий конференция қатнашчиларининг диққат марказида турди. Республика дизайнерлари уюшмаси бу анжуманни ўтказиш ташаббускори бўлдилар.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар дизайнга нисбатан алоҳида талаблар қўяётганини таъкидладилар. Миллий манбаларга ва анъаналарга амал қилиш ҳозир саноат эстетикаси мутахассислари ишида асосий тамойилга айланди.

Республика жаҳон ҳамжамиятига қўшилмоқда, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмоқда. Бу соҳадаги муваффақият кўп жиҳатдан дизайнерларга боғлиқ. Масалан, жаҳон бозорига чиқариладиган маҳсулотнинг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан унинг ташқи кўринишига боғлиқ. Дизайнерлар корхона ва ташкилот учун зарур обрўни, фирма услубини вужудга келтирадики, корхона ёки ташкилот фаолиятининг муваффақияти ана шу услубга, обрўга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Анжуман қатнашчилари миллий Дизайн марказини барпо этиш зарур деган фикрни айтдилар ва шу ғояни қўллаб-қувватлашни сўраб, республика ҳукуматига мурожаат қилдилар. Турли давлат дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш чоғида Дизайн талаблари эътиборга олиниши зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Миллий Дизайн маркази бу соҳадаги илғор ғояларни қўллаб-қувватлаб, корхоналарга, ташкилотларга ахборот хизмати кўрсатиши, мутахассислар тайёрлашга кўмаклашиши зарур.

Анжуман давомида ўзбекистонлик етакчи дизайнерларнинг асарлари намойиш этилди. Трикотаж ва кўнатторлик буюмлари республика уйларининг, тикувчилик саноати маҳсулот турлари ва янги либос турлари маркази мутахассислари, пойафзалнинг янги нусхаларини яратувчилар ўз коллекцияларини кўрсатдилар. «Дизайн жамғармаси» республика ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси анжуман очилишига бағишлаб альбом чиқарди. Унда МДҲ мамлакатларидаги шу соҳанинг 34 мутахассиси ишлари кўрсатилган.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзА мухбири.

Газетанинг навбатдаги сони 18 декабрь куни чиқади.

Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Шавкат Яҳёевга вояда муҳтарамалари Муҳаррам ЯҲЁЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608. Буюртма Г—197.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар маҳкамаси.

Бош муҳаррир Анвар ЖУРАБОЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Карим БАҲРИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Зоҳид НОРМУҲАММЕДОВ, Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Қулаҳмад РИЗАЕВ, Эркин САМАНДАР, Азим СУЮН, Александр ТЮРИКОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Александр УЛИЧКИН (масъул котиб, «Народное слово»), Муҳтарама УЛУҒОВА (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Раим ФАРҲОДИЙ, Шавкат ЯҲЁЕВ, Пиримқул ҚОДИРОВ, Сандаҳрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Ленинград кўчаси, 19-уй.

Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 23.20. № Г—527 Тираж 28596. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.